



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 июль, № 133 (9028)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БУНЁД ЭТАЁТГАН ОЛТИН АВЛОД

Мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни кенг нишонланди



Асосий байрам тадбирлари пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, юртимизнинг тур-

ли ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар ҳамда уларнинг устоз-мураббийлари жам бўлган.

Байрамона кайфиятдаги йигит-қизлар кўзларида азму шижоат, юзларида табассум, қувонч ва шодумонлик барқ уради...

Ўзбекистон ёшларини табриклаш ва қўллаб-қувватлаш учун бу ерга Президент Шавкат Мирзиёев таширф буюрди.

Муҳташам марказ биносига кираверишда ёшларнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари, илмий изланишлари натижа-

лари, инновацион ғоя ва ишланмалари, ихтиролари тақдирот қилинди.

Йигит-қизларнинг “яшил” иқтисодиёт, креатив саноат, тадбиркорлик ва IT соҳаларидаги илғор ишланмалари эътиборни тортади. Хусусан, “Ёш инноваторлар” кўргазмасида

муҳандислик, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, учувчисиз қурилмалар намойиш этилди. “Рақамли “яшил” ташаббуслар” майдончасида экология, муқобил энергетика, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга оид ишланмалар кўрсатилди. “Креатив иқтисодиёт” бўлимидан хунарамандлик, дизайн, тасвирий санъат, видео ва продюсерлик фаолиятидаги ютуқлар ўрин олди. “Ёшлар тадбиркорлиги ва стартаплар” майдончасида ушбу йўналишдаги муваффақиятли лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Кўрганда кўз қувнаб, қалб фахр-ифтихорга тўладиган бу илмий ютуқлар, илғор ишланмалар келажагимиз эгаларининг юксак билим ва салоҳиятидан, улар дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигидан далолат. Масалан, тошкентлик Сайфулло Қодиров экин майдонларини рақамли хариталаш ва юқоридан дори сепиш имконини берувчи дронлар ясаган. Хоразмлик Лобар Абдуллаева онкологик касалликларга сунъий интеллект орқали ташхис қўйишга мўлжалланган “AI Scan” дастурини ишлаб чиққан. Қорақалпоғистонлик Кумара Сагидуллаева эса қуёш энергиясида юрвчи кичик трактор ихтиро қилган. Бу ишланмаларнинг барчаси бугунги замон талабларига мос бўлиб, улар ишлаб чиқаришга татбиқ этилса, иқтисодиётимиз ривожига нақадар самарали таъсир кўрсатади!

Энди ўйлаб кўринг: Ўзбекистон ёшлари бир вақтлар кунини, бўш вақтини, умрини нимага сарфларди? Бугун-чи? Ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топиб бораётган навқирон авлод вакиллариининг илм-фан, ихтирочилик соҳасида эришаётган муваффақиятлари — бу саволнинг лўнда ва аниқ жавоби.

Президентимиз ушбу кўргазмалар бўйлаб юриб, уларни кўздан кечирди. Ёшлар билан дилдан суҳбатлашди.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Қадрли фарзандларим!

Аввало, сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тинсқолингизда бутун Ўзбекистон ёшларини қутлуг айём — Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман.

Сиздек навқирон авлод вакилларини бугун мана шундай аъло кайфиятда кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, барча соҳаларда имкониятларимиз ортиб бораётганида, ҳеч шубҳасиз, сиз, ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг бебаҳо бойлигимиз ҳам, келажақ учун энг катта дивидендимиз ҳам, ёшлар, десак, тўғри бўлади. Биламизда куч-ғайрат, ҳар бир ҳаракатида азму шижоат жўш урган йигитларимизни, билим ва одобда, ақл-заковатда тенгсиз қизларимизни кўриб, ҳар қандай халқ, ҳар қандай давлат бизга ҳавас қилса арзийди.

Катта-катта давлатлар, дунёнинг энг нуфузли компаниялари бутун бизга нега ишонмоқда? Нега миллиардлаб доллар инвестициялар киритмоқда?

Бу, албатта, беҳиз эмас. Чунки ҳамкорларимиз ёшларимизнинг илм-фан, таълим, IT, маданият, санъат ва спортдаги ютуқларини кўриб, салоҳиятимизга баҳо бермоқда, эртанги кунимиз пойдевори мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қилмоқда.

Биз ислохотларимизни бошлаган илк кунларданок **“илм — тарбия — инновация”** занжирини яратишга киришдик. Бу йўлдаги ҳаракатларимиз бугун аниқ натижалар бермоқда.

Мана, бир мисол. Ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Билимли ёшларимиз илк бор ТОП-5 таликдаги олийгоҳларга кириб, тарихий натижа қайд этганлари ҳам барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда 30 нафар ёшларимиз дунёнинг ТОП-10 талик олийгоҳида, 500 нафари ТОП-100 ва 1 минг 500 нафари ТОП-300 таликдан жой олган нуфузли университетларда таҳсил олмақда.

Ушбу муҳташам залда ўтирган Жасурбек Умаров — Гарвард университетига, Рухона Собирова — Пенсильвания, Асилбек Ашуров — Чикаго университетига бу йил 100 фоиз грант асосида ўқишга киргани таълимдаги

ислохотларимиз нақадар натижадор бўлаётганига яққол далилдир.

Яқинда бутун юртимизда барчамиз узок кутган катта футбол байрами бўлиб ўтди. Халқимизнинг 34 йиллик орзуси ушалди — миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жажон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Яқин-яқингача умрини пахта даласида ўтказган оддий оила фарзандлари илмда, спортда, бошқа соҳаларда бундай юксак марраларни эгаллашини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Биз ёшларимиз учун шароит яратдик, улар бундан унумли фойдаланиб, баланд чўққиларини забт этмоқда.

Бугун сизлар каби зеҳни ўткир, меҳнатсевар ва фидойи фарзандларимга қараб, орангиздан физика, кимё, тиббиёт, иқтисодиёт, адабиёт бўйича янги Хоразмийлар, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва Навоийлар етишиб чиқишига албатта ишонаман.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих наватбини сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байрогини баланд кўтаришга қодирсиз.

Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу қувончли айёмда Ватанимиз равнақи йўлида интилиш, илм олиш ва меҳнат қилишдан чарчамайдиган барча ёшларимизга, билимли, тарбияли ва соғлом фарзандларни камолга етказётган ота-оналарга, катта ҳаётга қадам қўйишларида ёшларга энг яқин маслаҳатчи бўлаётган хурматли устоз ва мураббийларга самимий миннатдорлигини билдираман.

Азиз ўғил-қизларим!

Ҳозирги вақтда дунё қандай нотинч, қандай мураккаб бўлиб бораётганини кўриб турибмиз. Тинчлик — энг буюк неъмат, инсон қадр ва адолат — энг олий қадрият эканини ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Алишер Навоий бобомизнинг **“Билим хазинасини ёшликда тўпла”** деган сўзларида албатта жуда чуқур маъно бор. Чиндан ҳам, илм ва маърифат билан қуролланган, ватанпарвар халқ ҳар қандай синовлардан муносиб ўта олади. Юксак билимли, дунёкараши кенг, замонавий фикрлайдиган, техно-

логик жиҳатдан саводхон ёшлари кўп бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт, ўзаро жипслик ҳамisha барқарор бўлади.

Ёшларимизга сифатли таълим ва тарбия бериш, замонавий касб ва ҳунарлар, хорижий тилларни ўргатиш, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур шароитлар яратиш — энг асосий вазифамиз ва бурчимизга айланган.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳудудини намунали қилган вилоят ва туманларимиз кўп. Мисол учун, ёш тадбиркорларимиз ташкил қилган 261 та корхонанинг йиллик обороти 100 миллиард сўмдан ошди.

Илгари бу борада фақат Тошкент шаҳри яқка ҳолда пешқадамлик қилган бўлса, бугунги кунга келиб Тошкент вилояти, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Фарғона ёшларининг бизнесдаги натижалари ҳам пойтахтдан қолишмаяпти.

Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича илғор ҳудудларга айланди. Ёки ёшларнинг олийгоҳга кириш кўрсаткичи бўйича Сурхондарё бир йил давомида 11-ўриндан 4-ўринга кўтарилиб, катта сакрашга эришди. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳам бу борада яхши натижа кўрсатмоқда.

Икки йил олдин халқаро фан олимпиадаларида 7 та ҳудуддан 45 нафар ўқувчи соврин олган бўлса, ўтган 6 ойда уларнинг сафига Жиззах, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ўқувчилари ҳам қўшилиб, жами 166 та медал қўлга киритилди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг нафар ёш ўқитилди. Айниқса, Хоразм, Қашқадарё ва Самарқандда ёшларимиз IT соҳасида катта даромад топишга эришаётгани эътиборлидир.

Бошқа бир мисол. Ўтган йили 150 мингдан зиёд ёшларимиз халқаро тил сертификатларини олди. Бу — 2023 йилдагига нисбатан 2 баробар кўп. Хорижий тилларни мукамал билиш (Си-1) бўйича Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ёшлари анча илгарилаб кетганини таъкидлаш лозим.

Катта салоҳиятга эга бўлган туманлар ёшларини тилга ва замонавий касбларга ўргатиб, ишли қилиш, олий таълим билан қамраб олиш бўйича Бектемир, Зафаробод,

Қоровулбозор ва Арнасойдан ўрнат олиши керак.

Шу ўринда 2 та масалага алоҳида урғу бериб ўтмоқчиман.

Биринчидан, албатта, ёшларнинг тилини ёшлар тушунади, улар бир-биридан ўрнат олади, бир-бирига мотивация беради.

Шу боис 9 мингдан зиёд маҳаллада ёшлар етакчиларини тайинладик. Улар уч йил давомида кўп нарсани ўрганди, етарли тажриба орттирди. Энди улар мактаб, техникум, тил ва касб марказлари билан ҳам ишлашни ўрганишлари лозим.

Ёшлар етакчилари ҳар ҳафта мактаб директорлари, синф раҳбарлари, ота-оналар билан учрашиб, қўшимча тил ва касбларга қизиқиши, ишлашга хоҳиши бор ўқувчиларни аниқлайди, ҳоким ёрдамчилари кўмагида ўз ҳудудидаги корхоналар, тил ва касб марказлари билан гаплашиб, ўқувчиларни уларга боғлаб беради, спорт ва фанларга қизикадиганларни тўғарақларга жалб этади. Ушбу тадбирлар учун “Ёшлар дафтари” орқали берилган маблағларини ишлатади.

Иккинчидан, маҳаллаларимизда 167 минг нафар уюшмаган ёшларимиз, тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарлик қилган 17 минг ўқувчи борлиги ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Айниқса, кўп соҳаларда илғор бўлган Андижон, Хоразм, Қорақалпоғистон ва Бухорода бундай ёшларнинг улуши юқорилиги уларга албатта ярашмайди.

Кейинги пайтда ёшлар орасида гиёҳвандлик, руҳиятга таъсир қиладиган “таблетка”лар истеъмол қилиш тарқалиб бораётгани муҳиш бир бало, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда янги сайланган маҳалла раисларига мурожаат қилмоқчиман. Маҳалладаги тинчлик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, соғлом муҳит кимга боғлиқ? Аввало, сизларга боғлиқ. Маҳалла раиси фақатгина “оқсоқол” эмас, ёшларнинг энг яқин дўсти, сирдоши, кўмақдоши. Маҳалла раиси — бу маҳалланинг виждони. Маҳаллада битта бўлса ҳам боланинг нотўғри йўлга кириши сизлар учун фавқуллоҳда ҳолат бўлиши керак.

Шунинг учун ҳар бир бола ҳақида, унинг тақдири, келажаги ҳақида аввало сизлар кўпроқ қайғуришингиз лозим. Маҳалла раислари ёшлар билан тез-тез мулоқот қилиб, ишсиз юрганини маҳалласидаги 10 — 20 нафар яхши тадбиркорга боғлаб қўйса, илм ола-

ман, IT билан шуғулланаман, китоб ўқийман, спортга бораман деганига шароит яратиб берса, биласизларми, вазият қандай ўзгаради, ота-оналарнинг оғирини қанча енгил қиламиз! Бундай эзгу ишларимиз Яратганга ҳам, халқимизга ҳам албатта маъқул бўлади.

Сизлар бу вазифаларни уддалашингизга ишонаман. Бунинг учун сизларда билим ҳам, тажриба ҳам, куч-ғайрат ҳам етарли. Энг муҳими, одамлар сизларга ишонади, сизларга эргашади.

Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз зарур. Боланинг ёмони бўлмайди. Уларга катталарнинг меҳри, имкониятларини намоён қилишлари учун шароит, ўзига ишонч бўлиши учун мотивация керак.

Мисол учун, Тадбиркорлик жамоатчилиги кенгаши аъзолари — 108 нафар “чемпион” тадбиркоримиз ўзларининг 308 та корхонаси атрофидаги мактабларга бориб, юқори синф ўқувчиларини касбга қизиқтираётгани таҳсинга сазовордир.

Энг муҳими, бу ўқувчиларнинг аксарияти келажақда ҳаётини қайси касб билан боғлаш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоқда.

Бундай ташаббускор, фидойи, ватанпарвар тадбиркорлар — менинг қанотларим. Уларнинг кўпчилигини бугун мана шу залда кўриб турибман.

Айтинглар, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касбга етаклаш, ишли ва даромадли қилиш учун сизларга яна қандай шароитлар яратиб беришим мумкин?

Азму шижоатли тадбиркорларимиз ҳокимлар билан учрашиб, тақлифларини тез кунда шакллантириб берса, уларнинг барчасини кўриб чиқишга тайёрман.

Шу билан бирга, республикамиз бўйича 15 мингга яқин ўқув ва 7,5 мингга касбга тайёрлаш марказлари мавжуд. Сўнгги йилларда улар учун 100 дан ортиқ имтиёз ва енгилликлар бердик.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай марказларга, уларнинг фаолларига ҳам мурожаат қиламан.

Сизлар ҳозирги кўрсаткичларингиз билан чекланиб қолманг, фаолиятни кенгайтириб, замонавий касблар ва хорижий тилларни ўрганаётган ёшларни бир неча қарра қўпайтиринг, бунинг учун сизларга яна қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб бераман.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мен ҳокимлардан бир масалани ҳамиша талаб қилиб келаман, бундан кейин ҳам талаб қиламан.

Вилоят ва туман ҳокимлари ҳар бир болага ўз фарзандидек қараб, уларнинг соғлиғи, ўқиши, юриш-туриши, қизиқиши ва орзу-интилишлари, муаммоларидан доим хабардор бўлиши зарур. Улар ёшлар билан мунтазам мулоқот платформасини йўлга қўйиб, мактаб, олийгоҳ, ўқув ва касб марказлари, тадбиркорларнинг бошини қовуштириб, ёшларга кўмаклашадиган янги бир тизим яратса, албатта натижа бўлади.

Бу ишлар “кампаниябозлик”ка айланиб кетмаслиғи, бўлаётган ўзгаришларни ҳар бир маҳалладаги ҳар бир ёш ҳар кун қўқур ҳис этиши зарур.

Давлат хавфсизлик хизмати (Ж.Жўраев) бунинг устидан таъсирчан назорат ўрнатади.

Ана шунда Янги Ўзбекистонда таълим олмаган, ишсиз, касб эгалламаган, бир сўз билан айтганда, уюшмаган ёшлар деган тушунчаларнинг ўзи қолмайди.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Хабарингиз бор, февраль ойидаги учрашувимизда ёшлар учун 40 дан зиёда янги ташаббусларни эълон қилиб, қарийб 500 миллион доллар ажратдик. Ёшлар учун, уларнинг истиқболи учун бугун киритилган маблағ, инвестиция, эртага албатта ўн, юз, минг баробар бўлиб қайтади.

Сизлар илм олинг, янги-янги ғоялар беринг, кашфиёт ва лойиҳалар қилинг, изланиш ва ҳаракатдан чарчаманг! Мен сизларни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман!

Бу йил 35 миллиард долларлик 8 минг 300 та лойиҳани ишга тушириб, 292 мингта янги иш ўрни яратдик. Яна 500 мингта иш ўрни яратадиган 83 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаймиз.

Масалан, энергетикада — 20 миллиард, нефть-газ ва кимёда — 11 миллиард, тоғ-конда — 7 ва 7 миллиард, электротехника ва автомобилсозликда 4,5 миллиард долларлик минглаб корхоналар ишга туширилади. Ушбу лойиҳалар Қорақалпоғистондан Андижонгача, Сурхондарёдан Тошкентгача — барча ҳудудларда амалга оширилади.

Ана шундай ишларимиз бошланиши билан “ашил” иқтисодиёт, “яшил” энергия, рақамли геология, технологик минераллар, биоминженерия йўналишларида минглаб мутахассисларга талаб пайдо бўлади. Афсуски, бундай юқори малакали мутахассислар ўзимизда етишмагани боис ҳозирги вақтда уларни четдан олиб келяпмиз.

Янги технологиялар асрида ким ютади? Фақат креатив фикрлайдиган, замонавий билим ва касбларни эгаллаган мутахассислар ютади. Бугун сизлардаги гайрат-шижоатни қўриб турибман, албатта сиз, азиз ёшлар бу корхоналарни бошқариб, катта-катта кашфиётлар қиласиз, уларга инновацияларни олиб кирасиз.

Шу сабабли ҳозирданок бундай лойиҳалар бўйича кадрлар тайёрлашни бошлаймиз.

Қадри юртдошлар! Хабарингиз бор, яқинда “Гарвардчилар” мактабини очиб бўйича катта Фармонни имзоладим. Бу муассаса Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мактаб сифатида фаолиятини бошлаб юборди. Ушбу халқаро мактабга бу йилги 8-синф битирувчилари орасидан 60 нафар ўқувчини саралаб олиб, 3 та йўналишда ўқитамиз.

Хали қабул тугамасидан битта ўринга

275 нафар ўқувчи талабгор бўлмоқда. Биз ушбу ўринларни келгусида бир неча қарра кўпайтирамиз. Умуман, Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи селекция қилиниб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланади. Шундан камида 300 нафари эхтиёжманд оила фарзандлари бўлади.

Бугунги кунда “Таълим — келажақ сармояси” деган эзгу ғоя жамиятимизда катта ҳаракатга айланоқда. Нуфузли хорижий олийгоҳларга қираётган барча ёшларимиз ҳам 100 фоизлик грант олиш имкониятига эга эмас. Бу табиий, албатта.

Яқинда “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини такомиллаштирдик. Энди ТОП-300 талик олийгоҳга қирганлар учун ўқиш ва яшаш харажатини қоплаш тизими янги тартибда ишлай бошлайди.

Энг аввало, STEAM — илм-фан, технология, муҳандислик ва математика йўналишлари, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиғи каби драйвер соҳалар учун квоталарни бир неча қарра оширяпмиз.

Биз ана бир масалани ҳал қилдик — энди банклар ТОП-300 талик олийгоҳга қирган ёшларимизга 20 минг долларгача имтиёзли кредит беради.

Яна бир муҳим йўналиш — сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиғи ва энергетикани устувор соҳалар сифатида белгилаб, 100 та лойиҳани амалга оширамиз. Бу борада яна катта-катта режаларимиз бор. Хусусан, қадриятларимиз ва маданиятимизни ўзида ифода этадиган сунъий интеллектнинг миллий моделини ишлаб чиқишни бошладик.

Аминманки, бу ишларимиз бой тарихимиз ва замонавий ёндашувларни ўзида уйғунлаштириб, ёшларнинг янги креатив ғояларини шакллантиришга хизмат қилади. Бу тизим самара бериши учун Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастурини ишга туширяпмиз.

Шу йилнинг ўзида “AI Study” платформаси орқали камида 100 минг ёшларимиз сунъий интеллект технологияларини ўрганади. Ишонман, бу янги лойиҳа ҳисобидан сунъий интеллект соҳасида рақобатбардош ва юқори маалакали мутахассисларимиз янада кўпаяди.

Ҳозир кунда мактабларимизда 19 минг 500 нафар информатика ўқитувчиси бор. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиғи икки ойда дунёдаги биринчи рақамли Массачусетс технология институтининг сунъий интеллект таълим дастури асосида ўқув дастурларимизни янгилайди.

Ҳар бир вилоятдан 100 нафар информатика ўқитувчисини танабл, бу йил Янги Ўзбекистон университетиде ушбу дастурга ўқитади. Ушбу ментор ўқитувчилар ўз ҳудудидаги қолган информатика ўқитувчиларини икки йил давомида каскад усулида тайёрлайди. Бу орқали беш йилда барча мактаб битирувчилари сунъий интеллект бўйича етарли билим олади.

Яна бир йўналишга эътиборингизни қаратмоқчиман. “Рақамли авлод қизлари” танловида таълим, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, иқлим ўзгариши каби соҳаларда 7 минг ўқувчи ва талабанинг 120 та стартап лойиҳаси танлаб олинди.

IT соҳасининг бошқа касблардан устунлиғи нимада, биласизларми? Яхши компьютер, интернет ва кўникама бўлса, барча ишни уйда бажарса бўлади. Битта тикув машинасининг пулига озгина қўшиб, яхши компьютер олиб

берилса, қизларимиз уйда ҳам минг долларгача даромад топади.

Шу боис бу йил камида 50 минг нафар қизимизни “Рақамли авлод қизлари” лойиҳаси билан қамраб оламиз. Рақамлаштириш вазирлиғи (Ш.Шерматов) ва Миллий банк (А.Мирсоатов) йил якунигача IT ва тил сертификатли бор ёшларни қафолатли ишга жойлайдиган тизим яратади.

Биз стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизим яратдик. Уларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоя киритилди. Бу рақамни 1 миллиард долларга етказамиз. Энди бу ишларни мактабдан бошлаймиз. Ўқувчилар учун “моҳирлик ва бизнес соати” киритилиб, уларнинг ғоясини стартапга айлантиришга 100 миллиард сўм грант ажратамиз.

Олийгоҳлар ўртасида ҳам стартаплар бўйича ҳар йили “Энг яхши креатив ғоя” танлови ўтказилиб, ғолибларга олийгоҳ жамғармасидан 300 миллион сўмгача грант берилади. Стартапни прототипга айлантириш ва синовдан ўтказиш учун Инновация агентлиғи ва IT парк “R&D” марказини очади. Бунда энг яхши лойиҳалар бўйича прототип яратиш харажатининг 50 минг долларгача қисми Ёшлар венчур жамғармасидан қопланади.

Савдо-саноат палатаси ҳар йили инвесторлар, йирик корхона ва стартап лойиҳаларининг ташаббускорлари иштирокида ҳам “Стартап-экспо” кўргазмасини ўтказиб боради.

Ҳозирги кунда тоғ-кон, агросаноат, тўқимачилик, кимё, электротехника, қурилиш материаллари соҳасида 1 миллион ёшлар меҳнат қилмоқда.

Энди саноат, сервис, тадбиркорлик ва қишлоқ ҳўжалиғида банд ёшларнинг касбий ривожланиши бўйича ҳам тизим яратамиз. Ҳар бир касб йўналиши бўйича айнан ёшлар ўртасида республика мусобақалари ўтказилади. Бунда давлат корхоналари ва хусусий сектор вакиллари теппа-тенг иштирок этади.

Тармоқ раҳбарлари ҳар йили ўз тизимидаги 100 нафар ёшни селекция қилиб, хорижий стажировкага юборишни йўлга қўяди. Бунинг учун ҳар бир тармоқ 10 миллиард сўмдан ажратади. Бу маблағларни солиқ солиш базасидан чегириб ташлаймиз.

Бунга Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) бош-қош бўлади.

Кейинги пайтда ўқишга қира олмаган мактаб битирувчилари ҳамда техникум ва олийгоҳларни тугатаётган талабаларни банд этиш бўйича 2 та алоҳида дастур қабул қилдик. Шу мақсадда “Алоқабанк” ва Миллий банкка 300 миллион доллар ажратилди. Улар “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг ёшларни, “Келажакка қадам” дастури орқали 140 минг олийгоҳ битирувчисини даромадли иш билан таъминлашга маъсул бўлади.

Йил якунида қанча ёшни ишли қилгани бўйича “Алоқабанк” (К.Ирисбекова) ва Миллий банк (А.Мирсоатов) ҳисоботини ўзим қабул қиламан.

Бандлик вазирлиғи, Савдо-саноат палатаси Миллий банк билан бирга йил якунигача олийгоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш бевуричлар билан боғлайдиган платформани ишга туширади.

Бандлик, Мактаб, Олий таълим вазирликлари “Харақатда даромад” электрон тизимини яратиб, таътилдаги 3 миллион ёшларни малака талаб қилмайдиган ишлар билан банд қилади.

Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов), Савдо-сервис уюшмаси (З.Ҳошимов) ҳар йили юқори синф ўқувчиларини касб танлашга қизиқтириш ва кўмаклашиш мақсадида “Ме-

нинг касбим” республика танловини ўтказади.

Миграция агентлиғи (Б.Мусаев) қайси мамлакатда қайси касб ривожланган бўлса, ғолибларни ўша давлатга кўникмасини ошириш учун юборади.

Кичик бизнесга қўшимча шароитларни яратиш устида ишляепмиз. Буни яқинда эълон қиламиз.

Сўнгги етти йилда бошқарув кадрлари таркиби анча ёшариб, 40 ёшгача бўлган раҳбарлар уллуғи 37 фоиздан 65 фоизга ошди. Биз Янги Ўзбекистонда “халқ хизматидаги давлат” тамойилини рўёбга чиқаришда сиз каби иқтидорли, жонқуяр ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ўғил-қизларимизга таянамиз.

Шу боис ўтган ойда истиқболли кадрларни тайёрлаш ва давлат бошқарувига жалб этиш бўйича муҳим Фармонни имзоладим. Энди Давлат бошқаруви Академиясида “Келажақ лидерлари” дастури бўйича ҳар йили 100 нафар салоҳиятли ёшлар ўқитилади. Бу ёшлар вазир ва ҳокимларга бириктирилади, икки ой уларнинг ёнида юриб, тажриба орттиради. Кейин бир ойга хорижий стажировкага юборилади. Дастурни тамомлаган ёшлар раҳбарлик лавозимларига асосий номзод бўлади.

Ёшларимизнинг китоб ўқишга қизиқишини оширишда танловлар муҳим роль ўйнамоқда. Биргина мисол, Муҳаммад Хоразмий номидаги мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилбар Ҳайдарова “Ёш китобхон” танловида ғолиб бўлиб, ота-онасига Президент соврини — автомобиль совға қилди.

Дилбархон қизим, сен ўз мисолингга инсон чин дилдан ҳаракат қилса, қўп нарсалар эриша олишини исботладинг, бу йўлда кўпчилик учун намуна бўлдинг. Бунинг учун катта раҳмат сенга! Сени вояга етказган ота-онанг ҳам алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ёшларнинг актрёлик, музыка, китобхонликка қизиқишини ошириш учун “Турон” театри, “Иқтидор ансамбли”, “Жадидалар изидан” каби танловлар ўтказилиб, уларда 400 мингга яқин ўқувчилар иштирок этди.

Энди танловларда ғолиб бўлган жамоалар чекка ҳудудлардаги мактабларга мунтазам бориб, ўз чиқишлари билан тенгдошларини маданият ва санъатга қизиқтиради. Бунинг учун вилоят ҳокимлари биттадан автобус олиб беради. Республика танлови ғолибларига маданият ва санъат олийгоҳларига киришда имтиёз берилади. “Иқтидор” мактаб ансамбли танловининг вилоят босқичи ғолиблари Болалар ва музыка санъат мактабларида бепул ўқитилади.

Ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларга ахборот маконида фойдали, мазмунли маълумотларни етказиш ва тарғиб қилиш доим эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Шу мақсадда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ миллий маданият, санъат, адабиёт, тарих ва маънавий қадриятлар асосида болаларга мўлжалланган тарбиявий контентлар яратиш учун маъсул бўлади.

Жорий йилдан бошлаб маҳаллаларда ўтказилган “Шижоат ва гайрат” ҳарбий-спорт мусобақаларида 244 минг нафар йигит-қиз иштирок этди, 1 миллиондан зиёд ёшлар эса уларни катта қизиқиш билан кузатиб борди.

Бир сўз билан айтганда, бу беллашувлар ватанпарварлик, жасорат ва жипсликни тарғиб этадиган муҳим ҳаракатга айланди.

Мамлакатимиз мустақиллиғи, халқимизнинг тинч ва оқсоишга ҳаётини кўз қорачиғидек асрашда сиз, азиз ёшларимизга таянамиз.

Унутманг, мустақиллик — бу шунчаки рас-

мий мақом эмас, балки ҳар бир ёшга ўз тақдирини ўзи белгилаш имконини берадиган буюк неъмат.

Мана, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида пойтахтимиздаги Ғалаба боғида “Миллат Ғойдилари” монументини очдик. Бу ерда эл-юртимиз тинчлиғи йўлида азиз жонини фидо қилган 196 нафар мард ва жасур ҳарбийларини, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг номлари муҳрланган.

Ёшларимиз учун ватанпарварлик, мардлик ва шон-шараф мактабини англаш, уларни қаҳрамонлик руҳида тарбиялашда бу масканнинг аҳамияти жуда катта.

Вазирлар, ҳокимлар ушбу қутлуг масканга ёшларни кўпроқ олиб борса, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат тўғйуси янада юксалади.

Ёшларга оид ислохотларимизни халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига кирди. Ёшлар тараққиёт индексида мамлакатимиз ёшлар сиёсати соҳасида энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлат, деб топилди. Бухоро шаҳри — Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент шаҳри — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиғи ёшлари пойтахти мақомини олди.

Шу қунларда юртимизда ўтказилаётган Глобал ёшлар фестивалида 30 дан ортқ давлатлардан келган 300 нафардан зиёд ёшлар, 10 дан ортқ нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ишончим комил, ушбу форум нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ёшлари учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилади.

Мен бугун “Креатив иқтисодиёт”, “Рақамли “яшил” ташаббуслар”, “Ёшлар тадбиркорлиғи ва стартаплар” ва “Ёш инноваторлар” майдончаларидаги ўғил-қизларимиз билан мулоқот қилиб, ҳозирги ёшларимиз — Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий бунёдкорлари эканига ана бир бор амин бўлдим.

Мен сизлар билан фахрланаман! Сизларнинг ҳар бир ютуғингиз бу — кўп миллатли бутун халқимизнинг ютуғидир.

Азму шижоатингиз, соғлом дунёқарашингиз, бахту иқбалингиз — миллионлаб ота-оналар, устоз-мураббийлар, яқинларингизнинг ҳам бахту саодатидир.

Азиз фарзандларим!

Ёшлиқда олинган билим — тошга ўйилган нақш, келажақ учун пойдевор дегани. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, ҳаётингиз, бахтингиз биноси шунчалик муҳташам бўлади.

Ёшлиқдаги ҳаракат бу — келажақдаги ютук дегани.

Ёшлиқда орттирилган дўст — бир умр-лик ҳамкор, тантанг ва сунъч дегани.

Ҳеч қачон унутманг, фарзандлар! билимли, соғлом, мард ва жасур, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг келажағи албатта ёруғ бўлади.

Мен бутун Ўзбекистон ёшлари ана шундай фазилатлар эгаси бўлишини тилайман.

Ишончим комил, биз бутун халқимиз билан, сиз, азиз фарзандларим билан улуг мақсадларимизга албатта етамиз!

Янги Ўзбекистонни барчамиз биргалиқда албатта барпо етамиз!

Бугунги аёём билан сизларни ана бир бор табриқлайман, барчангизга омад ва зафарлар ҳамроҳ бўлсин!

Доимо соғ-омон бўлинглар!

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЗОД ТАФАККУР ҒОЯСИ

хақида ўйлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ёшлари билан учрашув ўтказди. Ушбу мулоқотни диққат билан кузатиб бордим. Биз ҳам ёш бўлганмиз. Орзуларимиз, умидларимиз, интилишларимиз бор эди. Лекин ёшлигимизнинг энг гўзал лаҳзаларини мустабид тузумнинг ночорликлари, оғир ҳаёт тарзи, машаққатлари ўғрилаб олди. Ёшлигимизнинг куч-гайрати пахта далаларида қолиб кетди. Мактаб давридан бошлаб мажбурий меҳнат қилганмиз. То декабрь ойининг охиригача пахта териш машаққатлари, асосан, болалар ва ёшлар гарданида эди. Мен инсон қадри ер билан ақсон қилingan ўша кунларни алам ва изтироб, афсус-надомат билан эслайман.

Мушоҳада

Нобель мукофоти лауреати Эрнест Хемингуэйнинг “Бой берилган авлод” ибораси бундан юз йил аввал айtilган бўлса-да, ҳануз ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаган. Аслида бой берилган авлод эмас, бой берилган авлодлар, деса, тўғри бўлади.

Энг ачинарлиси, Ўзбекистонда пахта қуллиғи мустақиллик даврида ҳам ҳукм сурди. Мустабид тузумнинг пахта қуллиғига мажбуран бўйсундирилган бўлсак, 1991 йилдан 2016 йилгача ихтиёрй қуллик исканжасида яшадик. Пахта қуллигининг биринчи навбатдаги қурбонлари мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари бўлганини ҳисобга олсак, унинг дахшатли оқибатларини анжироқ тасаввур қиламиз.


Мен миллатимини пахта қуллигидан қутулишидан умид узган эдим. Пахта қуллиғи мустақил мамлакатнинг мактаб ўқувчисидан тортиб

талабасигача ўз домига тортганини қўриб, тақдирга тан берганман. Қулликнинг фожиаси нимада деб сўралганда “Қўлидаги кишанга меҳр қўйишда”, деб жавоб берилган экан.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси билан Ўзбекистон тарихида илк бор пахта қуллиғига барҳам берилди. Тўғрисиини айтиш керак, ўшанда бунга ишонмаганлар бўлди. “Орқага қайтилади!”, “Пахтани ким таради?!” “Иқтисодиёт ўлади” деган башоратчилар ҳам топилди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Орқага қайтиш” ибораси билан ҳеч қачон мурося қилмаган.

Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг миллатини пахта қуллигидан қутқаришини Америка Қўшма Штатларининг 16-Президенти Авраам Линкольннинг инсоният олдидаги тарихий хизматларига тенглаштиргим келди. У 1862 йилда “Озодлик тўғрисидаги прокламация”ни имзо-



лаган эди. Мазкур ҳужжат АҚШда қулликни тугатишга қаратилганлиғи билан тарих саҳифаларига муҳрланган.

Авраам Линкольн шундай ёзган эди: “Вақти келиб, менинг номим тарихга ёзиладиган бўлса, фақат шу ишим учун ёзилади. Чунки мен бутун қалбимни шунга бағишлаганман”.

Бутун қалбни бағишлаш нималарда намоеён бўлади? Аввало, халқини яхши қўришда, халқига яхшилик соғинишда, халқини рози қилишда, халқ ишончини оқлашда.

Мажбурий меҳнат нима? Пахта қуллиғи-чи? Жисмоний қуллик, тафаккур қуллиғи эмасми?

2016 — 2025 йиллар оралиғи тарих учун жуда қисқа фурсат. Президент Шавкат Мирзиёев пахта қуллиғидан қутқарган авлод тафаккурида нималар юз берди?

Миллат ўзининг камида икки

асрлик тарихида илк бор озод тафаккур билан юзма-юз келди. Озод тафаккурнинг тўлқинлари бутун дунёда акс садо берди.

Президент Шавкат Мирзиёев озод тафаккур намоёндалари — миллатимиз ёшлари билан учрашди.

Президентимизнинг мана бу фикрлари эътиборимни тортиди:

“Яқин-яқингача умрини пахта даласида ўтказган оддий оила фарзандлари илмда, спортда, бошқа соҳаларда бундай юксак марраларни эгаллашнинг тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Биз ёшларимиз учун шароит яратдик, улар бундан унумли фойдаланиб, баланд чўққиларни забт этмоқда...”

Биринчи ва Иккинчи Ренессансний буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз.

Сизлар Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!”

Бугунги дунёни куч ёки қурол-аслаҳа билан қўрқитиб, енгиб бўлмайди. Жаҳонда тафаккур жанги юз бермоқда. Миллат тафаккурининг асосий тўлқини ёшлар эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фикримиз янада ойдинлашади.

Демак, Президент Шавкат Мирзиёев тафаккур озодлиғи нима

эканини олдиндан кўра олган. Тафаккури тушовланган авлод фожиаларини ўз қалбидан ўтказган.

Озод тафаккурли авлод ғалабали юришларини кўп қуттирганни йўқ. Миллат бугун озод тафаккур мўъжизалари билан юзма-юз келди. Мана бу мисолларни бир идрок қилинг, инсофни ўртага қўйиб тахлил этинг. Бу миллатга берилган озод тафаккурнинг маҳсули эмасми?

Ўзбекистон ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Билимли ёшларимиз илк бор ТОП-5 талиқдаги олийгоҳларга кириб, тарихий натижа қайд этди. Бугунги кунда 30 нафар ёшларимиз дунёнинг ТОП-10 талик олийгоҳида, 500 нафари ТОП-100 ва 1 минг 500 нафари ТОП-300 дан жой олган нуфузли университетларда тахсил олмақда.

Янги Ўзбекистонни бунёд этаётган олтин авлод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари билан мулоқотда ёш олим ва ижодкорлар, дастурчилар, спортчилар, санъаткорлар, ёш тадбиркорлар ўзлари кўлга киритаётган ютуқлар, ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Бадиий чиқишларини намойиш қилди. Турли соҳаларни янада ривожлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини дадил билдирди. Президентимиз ўларни қўллаб-қувватлади.

— Ёшларимизнинг ҳар бир муваффақияти биз учун куч-қудрат, мамлакатимиз келажагига таянч. Бугун фарзандларимиз замонавий йўналишларни эгаллаб, анча илгарилаб кетяпти. Уларни қўллаб-қувватласак, сифатли таълим бериб, шароит яратсак, бундан ҳам катта натижаларга эришади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ихтирочи ёшларга тегишли вазирликларни масъул қилиб белгилаш, уларнинг лойиҳаларини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида ўтказилган учрашувда нутқ сўзлади. Навқирон авлод вакилларини 30 июнь — Ёшлар куни билан самимий муворабот этди.

Табриқда таъкидланганидек, кейинги йилларда иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, барча соҳада имкониятларимиз ортиб бораётганида, ҳеч шубҳасиз, ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Билатига куч-гайрат, ҳар бир ҳаракатида азму шижоат жўш урган йигитларимизни, билим ва одобда, ақл-заковатда тенгсиз қизларимизни қўриб, ҳар қандай халқ, ҳар қандай давлат бизга ҳавас қилса арзийди.

— Катта-катта давлатлар, дунёнинг энг нуфузли компаниялари бугун бизга нега ишонмоқда? Нега миллиардлаб доллар инвестиция киритмоқда? Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ҳамкорларимиз ёшларимизнинг илм-фан, таълим, IT, маданият, санъат ва спортдаги ютуқларини қўриб, салоҳиятимизга баҳо бермоқда, эртанги кунимиз пойдевори мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қилмоқда, — деди Президентимиз.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ёшларининг турли соҳалардаги муваффақиятларини бугун дунё ҳамжамияти алоҳида эътироф этмоқда. Ўзбекистоннинг эртаси бугунгидада ёруғ, порлоқ ва фаровон бўлишига ишонч билдирмоқда. Ва етти эмас, етмиш марта ўлчаб, бир кесадиган не-не сармоядорлар ўз маблағларини айнан мамлакатимиздаги лойиҳаларга тикмоқда.

Албатта, бугунги долғали замонда, ҳар куни қутилмаган воқеликлар рўй бераётган, турли ноаниқликлар ҳўки сураётган бир даврда кимнидир ўзингга инонтириш, эзгу ишларга ҳамкор ва шерик бўлишига кўндириш қийин. Бу ҳолни энди мамлакат миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, вазият янада мураккаб экани кўпчиликка аён. Лекин Ўзбекистон қанчалик оғир бўлмасин, қўшни давлатларни, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларини, йирик инвесторларни ўзига, куч-салоҳиятига ишонтиряпти, биргаликда, ҳамжихатликда ривожланишга жалб этмоқда.

Бу ишда, шубҳасиз, ёшларимизнинг турли соҳалардаги бугунги ютуқлари ҳам муҳим омил бўлмоқда. Биргина яқинда футбол бўйича миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати йўлнамасини кўлга киритганини олайлик. Бу нафақат халқимизнинг 34 йиллик орзуларининг рўёби, балки минтақамиз учун ҳам чинакам тарихий воқелик бўлди. Энди Ўзбекистонлик футболчилар Марказий Осиёдан тарихда илк бор ва ягона вақил сифатида мундальда қатнашди.

Ёшларимизнинг таълим, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт соҳалари-

даги ютуқлари ҳам кўзга кўринарлик. Масалан, ўтган йили юртимиз фарзандлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда йигит-қизларимизнинг 30 нафари дунёдаги ТОП-10, 500 нафари ТОП-100 ва 1 500 нафари ТОП-300 дан жой олган нуфузли университетларда тахсил олмақда.

— Биринчи ва Иккинчи Ренессансни буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих наватни сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байрогини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз, — дея ишонч билдирди Президент.

Тан олиш керак: авваллари фақат Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларидагина таълим сифат жиҳатдан илгирроқ бўлиб, қолган ҳудудларда, айниқса, чекка туман ва қишлоқларда ҳаминқадар олиб бориларди. Чунки мактабларда шарт-шароитларнинг ўзи ҳам замон андозалари даражасида эмасди.

Энг оғриқли нукта — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг, олийгоҳлар профессорлари, талабаларининг мажбурий меҳнатга жалб этилиши, бир ўқув йилининг тўрт ойини пахта даласида ўтказиши эди. Халқимиз собиқ иттифоқдаврида, истибодот исканжасида яшаган йиллар ўз-ўзидан маълум: собиқ марказга ёш авлоднинг эртанги тақдир аҳамиятсиз бўлган, мамлакатдан имкон қадар тез ва кўпроқ моддий бойликларни ташиб кетиш мақсад қилинган. Аммо, таассуфки, Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин ҳам ёшларнинг эртасига бевосита таъсир ўтказувчи қора аънаналарга чек қўйилмади. Навқирон авлод умрининг энг ўқулаган даври пахта далаларида ёз чиласида жазирамага жизганак бўлиб, кузу қишда чангу лойга ботиб ўтаверди.

Фақат кейинги 8-9 йилда бу ачинарли ҳолатга барҳам берилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, Ватанга ва халққа чексиз меҳр-муҳаббати боис ёш авлод ўзоқ йиллар давомида елкасини яғир қилган мажбурий меҳнат балосидан батамом қутулди. Ўзини эмин-эркин ҳис қиладиган, кучини, вақтини, умрини таълим олишга, салоҳиятини бойитишга, қимлигини ва қандай буюк аждодларнинг вориси эканини исботлашга сафарбар этадиган бўлди.

Бугун ёшларнинг сифатли таълим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, хорижий тилларни ўрганиши, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳудудни намунали қилган вилоят ва туманлар кўпчилиги таъкидланди. Масалан, ёш тадбиркорлар ташкил қилган 261 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошди. Илгари бу борада Тошкент шаҳри яқна пешқадамлик қилган бўлса, бугунга келиб Тошкент вилояти, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона ёшларининг бизнесдаги натижалари пойтахтдан қолишмапти.

Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича илгор ҳудудларга айланди.

Шубҳасиз, таълимга кўр-кўрона ёндашиб, эртани ўйламасдан иш юрийтиб бўлмайди. Ёшларга бирор фан ёки касб ўқитиларкан, бунга замон талабидан келиб чиқиб ёндашилмоқда. Жумладан, юртимизда бежиз “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмапти.

XXI аср — ахборот технологиялари асри. Рақамлаштириш, компютерлаштириш, сунъий интеллект замони. Бугунги ва келгуси тараққиётни шу со-



Носир ХАЙДАРОВ (ўса) олтин сурат.

ҳалардаги рақобатбардош билимларсиз, етук кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабаб мамлакатимизда мазкур йўналишларга алоҳида диққат қаратиляпти. Натижада ҳудудларда замонавий IT-парклар очилмоқда. Таълимда ушбу соҳани ўқитишга урғу берилмоқда. Мисол учун, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг йигит-қиз ўқитилди. Айниқса, Хоразм, Қашқадарё ва Самарқанд ёшлари ITдан катта даромад топишни ўрганиб олди.

Чет тилларини ўқитиш ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ёшлар жаҳонга чиқиши, ўзини намоён этиши, дунёда тенглар ичра тенг бўлиши учун хориж тилларини пухта билиши керак. Бу йўналишда яратилган қулайликлар сабаб ўтган йили 150 мингдан зиёд йигит-қиз халқаро тил сертификатларини олган, бу — 2023 йилдаги нисбатан 2 баравар кўп.

Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибори марказида. Бу йил 35 миллиард долларлик 8 300 та лойиҳа орқали 292 мингта иш ўрни яратилмоқда. Яна 500 мингта иш ўрни яратадиган 83 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Натижада “яшил” иқтисодиёт, саноат, энергетика, геология, муҳандислик ва бошқа соҳаларда минглаб мутахассисларга талаб пайдо бўлади.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ёшларга имкониятларни кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларни билдирди. Хусусан, Президентимиз Фармони билан Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилди. Унга 8-синф битирувчилари орасидан 60 нафар ўқувчи саралаб олинди, 3 та йўналишда чуқурлаштириб ўқитилади.

Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи танланиб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланади. Шундан камид 300 нафари эҳтиёжманд оила фарзандлари бўлади.

Нуфузли хорижий олийгоҳларга қараётган барча йигит-қиз ҳам 100 фоиз грант олиш имкониятига эга эмас. Шу боис энди “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ТОП-300 талик олийгоҳга кирганларнинг ўқиш ва яшаш харажати қоплаш тизими янги тартибда ишлай бошлайди.

Энг аввало, STEAM — илм-фан, технология, муҳандислик ва математика йўналишлари, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби драйвер соҳалар учун квоталар бир неча қарра оширилади. Энди банклар ТОП-300 талик олийгоҳга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзлик кредит беради.

Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва энергетикага устувор йўналиш сифатида белгиланиб, 100 та лойиҳа амалга оширилади. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ишга туширилади.

Массачусетс технология институтининг сунъий интеллект таълим дастури асосида информатика ўқув дастурлари янгиланади. Вилоятлардаги информатика ўқитувчилари Янги Ўзбекистон университетиде ушбу дастурга ўқитилади.

“Рақамли авлод қизлари” танловида таълим, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, иқлим ўзгариши каби соҳаларда 7 минг ўқувчи ва талабанинг 120 та стартап лойиҳаси танлаб олинди. Жорий йил бу лойиҳага камида 50 минг нафар қизлар қамраб олинади.

Одатда рационализаторлик таклифлар, стартаплар, бизнес гояларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилмай, фақат қоғозда қолиб кетишига энг катта сабаб уларнинг ўз вақтида молиялаштирилмаслигидир. Ана шу муаммо туфайли дунёда, хусусан, юртимизда ҳам қанчадан-қанча истиқболли гоялар, лойиҳалар ҳаётга кўчмай қолган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда бу масалага ечим топишга жиддий аҳамият берилляпти. Жумладан, стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизим яратилиб, уларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоя киритилди. Энди бу маблағ 1 миллиард долларга етказилади. Мактабларда ўқувчилар учун “моҳирлик ва бизнес соати” киритилиб, уларнинг фозисини стартапга айлантиришга 100 миллиард сўм грант йўнатилляпти.

Олийгоҳлар ўртасида ҳам стартаплар бўйича ҳар йили “Энг яхши креатив гоя” танлови ўтказилиб, ғолибларга олийгоҳ жамғармасидан 300 миллион сўмгача грант берилляпти.

Стартапни прототипга айлантириш ва синовдан ўтказиш учун Инновация агентлиги ҳамда IT-парк тадқиқот ва тараққиёт марказини очди. Бунда энг яхши лойиҳалар бўйича прототип яратиш харажатиинг 50 минг долларгача қисми Ёшлар венчур жамғармасидан қопланади.

Энди саноат, сервис, тадбиркорлик ва қишлоқ ҳўжалигида банд ёшларнинг касбий ривожланиши бўйича ҳам тизим яратилади. Ҳар бир касб йўналиши бўйича ёшлар ўртасида республика мусобақалари ўтказилади. Бунда давлат қорхоналари ва хусусий сектор вакиллари тенгма-тенг иштирок этади.

Тармоқ раҳбарлари ҳар йили ўз тизимидаги 100 нафар ёшни селекция қилиб, хорижий стажировкага юборишни йўлга қўйди. Бунинг учун ҳар бир тармоқ 10 миллиард сўмдан ажратяди.

Маълумки, мактаб битирувчилари ҳамда талабаларнинг бандлигини таъминлаш бўйича иккита дастур қабул қилинган. Шу мақсадда “Алоқабанк” ва Миллий банкка 300 миллион доллар ажратилган. Улар “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг ёшларни, “Келажаққа қадам” орқали 140 минг олийгоҳ битирувчисини даромадли иш билан таъминлашга масъул бўлади.

Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси Миллий банк билан бирга йил якунигача олийгоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш бериувчилар билан боғлайдиган платформани ишга туширади. “Харакатда даромад”

электрон тизими яратилиб, таътилдаги 3 миллион ёшлар малака талаб қилмайдиган ишларга жалб этиляди.

Сўнгги етти йилда бошқарув кадрлари таркиби анча ёшариб, 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ошди. Ўтган ойда истиқболли кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат бошқарувида жалб қилиш бўйича Президент Фармони имзоланди.

Энди Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида “Келажақ лидерлари” дастури бўйича ҳар йили 100 нафар салоҳиятли ёш ўқитилади. Вазир ва ҳокимлар уларга масъул бўлиб, тажриба орттиришига, хорижда стажировка ўташига кўмаклашади. Дастурни таъминлаган ёшлар раҳбарлик лавозимларига асосий номзод бўлади.

Ёшлар таълим-тарбиясида китобсеварлик, санъат ва маданиятнинг аҳамияти қатъи қатъи. Шу боис мазкур йўналишдаги танловларда ғолиб бўлганлар чекка ҳудудлардаги мактабларга бориб, чиқишлар қилади. Бунинг учун вилоят ҳокимлари биттадан автобус олиб беради.

Республика танлови ғолибларига маданият ва санъат олийгоҳларига киришда имтиёз берилляпти. “Иқтидор” мактаб ансамбли танловининг вилоят босқинчи ғолиблари Болалар ва мусиқа санъат мактаблариде бепул ўқитилади.

Президентимиз ўз нутқида ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларга ахборот макониде фойдали, мазмунли маълумотларни етказиш ва тарғиб қилиш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Шу мақсадда Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинган, ушбу марказ миллий маданият, санъат, адабиёт, тарих ва маънавий қадриятлар асосида болаларга мўлжалланган тарбиявий контентлар яратиш учун масъул бўлишини қайд этди.

Бугун дунё денгиз сувидек ҳар лаҳзада қалқиб турибди. Жаҳонда тинчлик-тотувлик тобора энг танқис неъматга айланиб бормоқда. Бугун нотинчлик кузатилаётган минтақаларга назар солсангиз, уруш-низолар тақдирини замонавий қурол-аслаҳалар билан бирга Қуролли Қучлар таркибининг қанчалик ватанпарварлиги, мардлиги, жасорати, ғайрат-шижоати ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Умуман, эл-юртга садоқат туйғуси, она Ватан меҳри, муҳаббати инсонни жонқуриликка, фидойиликка, жасоратга, қурашувчанликка ундайди.

Шу маънода, ёш авлодда ватанпарварлиқни қучайтириш, қалбларига эзгу хисларни сингдириш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш масаласи ҳам долзарб. Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи”да “Миллат фидойилари” монументи очилганидан ҳам ана шу мақсад-муддоа кўзланган. Бу ерда эл-юртимиз тинчлиги йўлида азиз жонини фидо қилган 196 нафар мард ва жасур ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг номиари муҳрланган.

Давлатимиз раҳбари урғулаганидек, ёшларимиз учун ватанпарварлик, мардлик ва шон-шараф мактабини англаш, уларни қаҳрамонлик руҳида

тарбиялашда мазкур масканнинг аҳамияти жуда катта.

Бу қутлуг зиёратгоҳга ёшлар кўпроқ олиб борилса, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси янада юксалади.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига кирди. Ёшлар тараққиёт индексида мамлакатимиз бу борада энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлат деб топилди.

Бухоро шаҳри — Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент шаҳри — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ёшлари пойтахти макомини олди.

Шу кунларда юртимизда Глобал ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу форум нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ёшлари учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш майдони бўлиши қайд этилди.

Президентимиз ёшларни билим олишга, вақтдан унумли фойдаланиб, етук мутахассислар бўлиб етишишга яна бир бор даъват этди.

— Ёшлиқда олинган билим — тошга ўйилган нақш, келажақ учун пойдевор дегани. Пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, ҳаётингиз, бахтингиз биноси шунчалик мустаҳкам бўляди. Ёшлиқдаги ҳаракат бу — келажақдаги ютуқ дегани. Ёшлиқда орттирилган дўст — бир умрлик ҳамкор, таянч ва суянч дегани. Ҳеч қачон унутманг, фарзандлари биллими, соғлом, мард ва жасур, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг келажиги албатта ёруғ бўляди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 июндаги Фармон ва қарорига мувофиқ, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида бир гуруҳ илгор йигит-қизлар “Келажақ бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йигит-қизларни Ёшлар куни билан табриқлади. Болаларни юқори даражада ўқитиш, хорижий университетларга тайёрлаш, ёшларнинг стартап ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Учрашувда ёшлар билан очиқ мулоқот бўлди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга давлат мукофотларини топширди.

Мукофотланганлар давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлар учун самимий миннатдорлик билдирди. Келгусида ҳам ўқиш-изла-нишдан ортга чекинмай, янада катта натижаларга эришишга ҳаракат қилишини, халқимиз ишончини оқлашини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида гала-концерт ўтказилди.

Концерт дастури билимга чанқоқлик, мақсадга собитқадамлик ва меҳнат билан эришишни рағбатлантириш, ижтимоий масъулият асосидаги фаоллиқни, умумжамият манфаатларига дилдорлиқни шакллантириш каби улғувор гоялар асосида тузилди.

Шунингдек, куй-қўшиқларда, сахна кўринишларида Ўзбекистоннинг уч минг йиллик тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс пайдо бўлиш омиллари, янги Ўзбекистонда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар натижадорлиги ўз аксини топди.

Дилшод КАРИМОВ
(“Халқ сўзи”).

ТОШКЕНТДА «EURONEWS»НИНГ ОФИСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизда “Euronews” телеканалининг Тошкент офиси очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Мазкур тадбирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъуллари, хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари тақлиф этилди.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табриқда глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар бекиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот

воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Шу маънода, бугунги кунда юртимиз медиа макониде жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Офиснинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги йилларда жаҳонга янгиланаётган Ўзбекистон сифатида танилаётган мамлакатимизда қўллаб хорижий медиа тузилмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда етакчи ахборот агентликлари, телеканаллар хориждаги оммавий ахборот воситала-

ри билан узвий ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу эса ахборот оламидаги медиа материаллар алмашинувида, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришда, юртимиздаги воқеликларни тезкор ва жойида ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур телеканал Директорлар кенгашининг раиси Педро Варгас Давиднинг қайд этишича, “Euronews”нинг Тошкент офиси очилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу мамлакатларимиз ўртасида ўзига хос медиа кўприк вазиғасини ўташи шубҳасиз. Шуну ҳам айтиш кераки, “Euronews” бу наинки ахборот макони, балки маданиятлар, цивилизацияларнинг ўзаро мулоқот ўрнатган, туташган маконидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот қотиби Шерзод Асадов кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ҳаётининг

барча жабҳаси каби матбуот ва сўз эркинлигини амалда таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг эркин ва самарали фаолияти учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. Айни пайтда журналистика соҳасида ҳам халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

“Euronews”нинг Тошкентда офиси очилиши юртимиздаги ислохотлар, янгиланиш жараёнлари жаҳон миқёсида кенгроқ ёритиш имконини бериши шубҳасиз.

— Бугунги глобллашув даврида дунёнинг ҳеч бир мамлакати ахборот макониде ҳам алоҳида ўз ҳолича фаолият кўрсата олмайд, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине Махл. — Ўзбекистон барча давлатлар каби Европа Иттифоқи мамлакатла-

ри билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. “Euronews”нинг Тошкентдаги офиси очилиши Европа мамлакатлари билан ўзаро мулоқотни таъминлашга қаратилган платформага айланади.

Дарҳақиқат, Европа Иттифоқининг энг етакчи телеканалларидан бири бўлган ушбу медиа тузилма кун давомида узлуксиз ахборот — видео ва аудио контентларни тайёрлаб тарқатуви оммавий ахборот воситаси саналади. Ушбу телеканал жаҳоннинг ўндан ортиқ тилида ахборот тарқатяди.

Тантанали тадбирда “Euronews” мухбирлари томонидан Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш жараёнлари, ислохотлар, кенг қамровли ўзгаришларга оид видеорепортажлардан лавҳалар билан танишиш имкони яратилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ў

Учрашув

БЎЛҒУСИ ОЛИМЛАР ВА ИННОВАТОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ёш олимлар ва инноваторлар билан учрашув ўтказди.



Сенаторлар, Ёшлар парламенти аъзолари, ёш олимлар, тадбиркорлар, инноваторлар, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси иштирокчилари, Ёшлар академияси ва техник йўналишдаги олий таълим муассасалари ректорлари, шунингдек, инновацион туман ва шахарлар ҳокимларининг масъул ўринбосарлари, фаол йигит-қизлар иштирок этган тадбирда Сенат Раиси ёшларга оид давлат сиёсати, ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳамда қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида сўз юритди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда ёшларга оид 100 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Олий таълим муассасалари сони 3 баробарга оширилиб, ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиниши 42 фоизга етди. Хотин-қизлар учун шартнома тўловларини давлат томонидан қўлаб бериш амалиёти жорий қилиниши натижасида уларнинг олий таълимдаги иштироки 11 баробар ошди. Шунингдек, 1,5 мингдан ортиқ иқтидорли ёшлар дунёнинг нуфузли университетларида таҳсил олмоқда. “Эл-юрт умиди”

жамғармаси орқали сўнгги етти йилда 2,3 минг нафар ёш хорижда ўқиш имкониятига эга бўлди. Илмий даражага эга ёш олимлар сони 4 мингдан ошиб, уларнинг умумий сони қарийб 11 минг нафарни ташкил этмоқда.

Илм-фани қўллаб-қувватлаш, ташаббусларни рағбатлантириш мақсадида мазкур соҳаларга Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар 1,5 трлн. сўмдан ошди.

Ёшлар академияси ташкил қилиниб, унда 4,2 мингдан зиёд иқтидорли йигит-қизлар бирлашган. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Инновацион ривожланиш стратегияси доирасида инновацион инфратузилмалар ривожлантирилиб, ёш иxtирочилар жаҳон бозорига чиқишига шарт-шароит яратилмоқда. IT Park резидентларининг сони 2025 йилга қелиб 2,5 мингдан ошди. Стартлаплар сони 260 тадан ортиб, улар орқали 17,9 млн. долларлик инвестиция жалб қилинди.

2026 йилгача Ўзбекистонни жаҳоннинг ТОП-50 инновацион давлатлари қаторига киритиш, инфратузилма субъектлари сонини 75 тага, стартаплар сонини эса 1 437 тага етказиш белгиланган.

Мулоқот чоғида ёш олимлар ва фаол ёшлар давлат сиёсатининг амалдаги самаралари ва ўз ҳаётларидаги ижобий таъсири ҳақида фикр билдирди. Сенат билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин бўлган янги лойиҳалар бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Бундай учрашувлар мунтазам ташкил этилиб, аънавий тус олишига ишонч билдирилди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ЕВРОПАГА ТАШРИФИ

Шу кунларда Португалиянинг Порту шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташиқоти Парламент ассамблеясининг 32-йиллик сессияси бўлиб ўтмоқда. Нуфузли анжуманда Шимолий Америка, Европа ва Марказий Осиё мамлакатларидан 200 дан ортиқ парламент аъзолари иштирок этапти.

Мазкур сессияда Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашмоқда.

Делегациямиз айни пайтгача ассамблеянинг очилиш маросими, ялғи йиғилишлари ҳамда кўмита мажлисларида иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида ЕХХТ ПА Президенти Пиа Кауман нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатнинг халқаро майдондаги фаол иштирокига юқори баҳо берди. Шунингдек, Ўзбекистонда ўтказилган сўнгги парламент сийлови ЕХХТ-нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари

бўйича бюроси томонидан халқаро стандартларга мос деб, ижобий баҳолангани таъкидланди.

Сессия доирасида Ўзбекистон делегациясининг ЕХХТ ПА Бош котиби Роберто Монтелла билан учрашуви бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ Парламент ассамблеяси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси ЕХХТ ПАНинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Фарим Каримий ва минтақа давлатлари парламенти вакиллари иш-тироқидаги маслаҳатлашув учрашувида ҳам қатнашди. Унда ЕХХТ ПА доирасида Марказий Осиё мамлакатлари парламент гуруҳини

тузиш, минтақавий мулоқотни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон делегацияси Ипак йўлини қўллаб-қувватлаш гуруҳи йиғилишида ҳам иштирок этди. Йиғилишда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама марказида бўлди. Шу муносабат билан делегациямиз томонидан ушбу гуруҳ доирасида мамлакатимизда академик тадбир ўтказиш ташаббуси илгари сурилди ва бу таклифни амалий жиҳатдан ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон делегациясининг ЕХХТ Парламент ассамблеяси сессиясидаги иштироки 3 июлгача давом этади.

«Халқ сўзи».

МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Ёшлар ойлиги доирасида Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудидида “Фаоллар жамоаси” ва Ёшлар маслаҳати гуруҳи аъзолари учун ўқув семинарлар ташкил этилди.

Семинар

Маълумот учун, Ёшлар ойлиги жорий йилда мазмун жиҳатдан кенг қамровли йўналишларни ўз ичига олди. Хусусан, илм-фан, сунъий интеллект, замонавий касблар, хорижий тилларни ўрганиш, китобхонликни рағбатлантириш ва интеллектуал ўйинлар каби соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги “Фаоллар жамоаси” ва Ёшлар маслаҳат гуруҳи аъзолари учун ўқув семинарларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслонова томонидан бугунги кунда мамлакатимизда навқирон авлодга берилаётган имкониятлар, Ёшлар парламенти фаолияти ҳақида маълумотлар берилди.

Семинарлар давомида иштирокчиларга тажрибали мутахассислар томонидан қатор муҳим йўналишларда амалий машғулотлар ўтказилди. Жумладан, лойиҳа ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш, жамоани шакллантириш ва лидерлик кўникмалари, аёллар ва болаларни киберзўра-

вонликдан ҳимоя қилиш, медиасаводхонлик, ижтимоий тармоқлар учун фойдали контент яратиш, шунингдек, волонтерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари бўйича зарур билимлар берилди.

Шунингдек, учрашувларда ёшлар билан ҳарбий ватанпарварлик ва мотивацион учрашувлар, интеллектуал “Заковат” ўйинлари ҳамда махсус техникалар кўргазмаси намойиш қилинган тадбирлар ҳам ўтказилмоқда.

Семинарлар доирасида “Сенатор ва ёшлар” учрашуви ҳам ташкил этилди. Унда парламент юқори палатасининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзигул Қозихонова, шу кўмита аъзоси Малика Қодирхонова, Олий Мажлис Сенатининг Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходимлари иштирок этди.

Мулоқот давомида фаол ёшлар сенаторларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди, тақлифларини билдирди ва янги билимларга эга бўлди.

Семинарлар якунида иштирокчиларга тегишли сертификатлар топширилди.

«Халқ сўзи».

ХИВА НУФУЗЛИ ФОРУМГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Кеча Озарбайжон Миллий Межлиси Раиси Саҳиба Гафарова бошчилигидаги парламент делегацияси Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форумида иштирок этиш учун Хива шаҳрига келди.

Форум

Озарбайжон парламенти делегациясини Урганч халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева кутиб олди.

Мазкур форум икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни, хусусан, парламентлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Тадбирда икки мамлакат парламенти аъзолари, аёл депутатлари ва ёшлар парламенти вакиллари иштирок этмоқда.

Шу ўринда икки мамлакат парламентлараро муносабатларининг ривожини хусусида сўз юритадиган бўлсак, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар стратегик

шериклик даражасига кўтарилди, бунга Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев ўртасидаги амалий, ишончли ва дўстона муносабатлар ёрдам берди.

Икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли Олий Мажлис ва Миллий Межлис ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Ўтган йиллар давомида Олий Мажлис Сенати ва Миллий Межлис юқори даражадаги шериклик ҳамда парламентлараро дипломатияни ривожлантиришдан манфаатдорликни намойён этди.

Тасдиқланган 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган “Йўл харита”лари доирасидаги ўзаро ташрифлар, икки томонлама учрашувлар ва қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакатларимизни барқарор ривожлантириш йўлида

парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ва илгор тажриба алмашиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йил 1-2 июль кунлари Хива шаҳрида Ўзбекистон — Озарбайжон биринчи парламентлараро форуми ўтказилиши нафақат парламентлараро мулоқотнинг муҳим майдони, балки икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилади.

Форумдан кўзланган мақсад — парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати бўйича тажриба алмашиш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишга кўмаклашиш.

Ишонамизки, Хива шаҳрида бўлиб ўтадиган ушбу форум Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

МУҲОКАМАЛАР ҚИЗҒИН, ТАКЛИФЛАР КОНСТРУКТИВ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

фракцияси йиғилишида “Бозор ислоҳоти ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолигини янада жадаллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Маълум қилинганидек, кейинги йилларда мамлакатимизнинг халқаро иқтисодийётга тўлиқ интеграциясини таъминлаш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштириш, монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодийётда хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси эса қора ва рангли металл ломини ҳамда чиқиндилари, табиий газ савдоси соҳасига хусусий сектор ва инновацияни жалб қилиш, рақобат ва очик бозор муҳитини яратишга қаратилган.

У билан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда. Яъни қора ва рангли металл ломини ҳамда чиқиндиларини

ги Қонун 2010 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган бўлиб, энг яхши халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, бу соҳанинг ўзини ўзи бошқариш механизмлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Жумладан, янги қонун лойиҳаси билан давлат органларининг риэлтор фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари кенгайтирилади, риэлторлик хизматлари сифати ва рақобатбардошлиги ошади. Риэлторлик фаолияти соҳасидаги амалдаги ҳужжатлар тизимлаштирилади, бу борадаги қонуности ҳужжатлари қисқаради. Хизмат кўрсатиш жараёнлари ва тартиблари такомиллашади. Кўнмас мулк айланмаси ва операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш механизмлари ривожланади.

Энг асосийси, бизнеснинг “соя”дан чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароит яратилади. Очиқлик ва шаффофлик таъминланади, яширин иқтисодийётга қарши курашишга кенг жамоатчилик, ОАВ жалб қилинади ва бу жамиятда “яширин иқтисодийёт”га муроасасизлик ҳиссини шакллантиради, легал бизнес юритишнинг нуфузини оширади. Лойиҳада, шунингдек, риэлторлик фаолиятини тартибга солиш шакли сифатида лицензиялани бекор қилиш ва давлат органи функцияларининг бир қисmini профессионал жамоат бир-



таёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ва реализациялаш, шунингдек, табиий газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялаш тартибини жорий этиш назарда тутиляпти.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Умид Якубхўжаев қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига тўхталиб, унга киритилаётган нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар кўтарилган саволлар юзасидан батафсил тушуنтириш бериб ўтди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маълумки, риэлторлик фаолияти — бу юридик шахсларнинг кўнмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”-

лашмаларига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Азамат Пардаев қонун лойиҳасига муносабат билдириб, лойиҳани янада такомиллаштириш тақлифини берди. Унинг фикрича, лойиҳада соҳани тартибга соладиган нормалар кам. Амалдаги нормалар бироз кучайтириляпти, холос. Янги таъсирчан чоралар кўринмаяпти.

Депутат Нодир Тилаволдиев эса риэлторлик фаолияти бўйича одамларда ҳуқуқий маданият етишмаётганини таъкидлади.

— Масалан, уйимизни сотиб бериш бўйича бизга мурожаат қилган риэлтордан сертификатини сўрамаймиз, ҳатто улар билан шартнома тузиш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Озгача келишувларимиз эса айрим зиддиятларни келтириб чиқаряпти. Шу боис бу борадаги тарғибот ишларини кучайтиришимиз лозим, — деди депутат.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида валюта ҳамда қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тош-

лар муомаласи билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда валюта соҳасини такомиллаштиришга, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Лекин валюта қимматликларининг қонунга хилоф муомаласига қарши



курашиш соҳасида қатор муаммолар ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш зарурати қоялға келяпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қонунга хилоф равишда олганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатларидаги валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги тушунчалар ўзаро мувофиқлаштириляпти.

Йиғилишда расмий статистика соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси расмий статистика соҳасида маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, унга фракция аъзолари ўз мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳада ҳудудий ёки соҳавий миқёсда янги қонунчилик нормаларини тажриба тариқасида жорий қилиш кўзда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ёндашув қонунларнинг ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлишига хизмат қилишини таъкидлади.

Навбатдаги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Дала четларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизимини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган

ер участкаларининг дала четларида самарали фойдаланишни назарда тутувчи қатъий нормалар белгиланмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзоси Анвархон Темиров қонун лойиҳасидаги айрим нормалар қишлоқ хўжалигида замонавий ёндашувларни жорий этиш, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, фермерлар, айниқса, ижарачилар ҳуқуқларига оид муносабатларда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқаришини таъкидлади.

Фракциянинг яна бир аъзоси Қизилгул Қосимова лойиҳада назарда тутилган айрим нормаларга қарши чиқиб, ердан унумли фойдаланиш мақсадларига жазо эмас, балки рағбатлантириш услубларини жорий этган ҳолда эришиш мумкинлигини тақлиф қилди.

Муҳокама савол-жавоблар билан узок давом этди. Якуний овоз бериш натижалари фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватламаганини кўрсатди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида қуриш материаллари соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўқим суръатларини таъминлаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш бора-сида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш ойнаси ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи нафақат атроф-муҳит, балки иқтисодийёт учун ҳам долзарб масаладир. Шу боис қонун лойиҳасида бундай чиқиндиларни қайта ишлаш ҳаражатларини қоплаш учун махсус утилизация йиғимини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бу экологияни муҳофаза қилиш билан бирга, маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама этиб, ушбу ҳужжат нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва қурилиш ойнаси бозорини сифатли маҳсулот улушини қўлайитириш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Фикр-мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Давлатимиз раҳбари 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги кун олдимизга янги вазифаларни қўяётгани, халқимизнинг фаровон яшашга эҳтиёжи ва талаблари ортиб бораётганини аниқ таҳлил қилиб берди. Ўз навбатида, биз, халқ вакиллари аҳоли муурожаатларини кўпроқ тинглашимиз, мавжуд муаммоларни бартараф қилишга саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этишимиз мақсадга мувофиқ.

Мулоҳаза

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятидаги катта ўзгаришлардан бири — халқ билан доимий ҳамнафас бўлиш, сайловчилар ҳузурига йилда бир-икки марта эмас, ҳар ойда бориш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, халқнинг турмуш тарзи билан танишиш мунтазамлик касб этгани бўлди. Сайловчилар билан учрашувлар ҳам ёпиқ залларда эмас, маҳаллаларда хонадонма-хонадон бўлиб ўтаётгани, аҳолини қийнаётган мавжуд муаммолар тўғридан-тўғри жойига чиқиб ўрганилаётгани анча самарали кечмоқда. Энг муҳими, жойларда халқимизни қийнаётган муаммоларга мута-саддилар билан биргаликда ечим топиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Мисол учун, депутатлар билан биргаликда йил бошидан буён ҳудудларга чиқиб ўрганишлар олиб бorganимизда, ичимлик суви таъминоти, оилавий поликлиникаларда тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт бirlашмаларининг санитар аҳволи ва тиббий чиқиндилар, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган кўчатларнинг бугунги аҳволи, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги ҳолатлар бўйича 400 дан зиёд аҳоли муурожаатлари бевосита жойига чиқиб кўздан кечирилди. Уларнинг аксарияти бўйича тегишли мутасаддилар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ечим топишга эришган бўлсак-да, фуқаролар муурожаатлари, афсуски, ҳали оз эмас.

Давлатимиз раҳбари бундай ҳолатларни аниқ таҳлил қилиб берди, мавжуд камчиликларга ҳокимлар эътиборини қаратди. Мисол учун, ҳар бир тумандаги 40 дан зиёд ташкилотларда ўртача 500 нафар ходим ишлаши, лекин айрим оддий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам вилоятдан, улар эса республикадан рухсат олиши кераклиги мамлакат раҳбари томонидан бежиз қайд этилмади. Чунки бундай ҳолатларга биз ҳам фаолиятимизда тез-тез дуч келамиз. Жойлардаги ўрганишлар бўйича юборган депутатлик сўровимизга маҳаллий ҳокимлик томонидан “бу бизнинг ваколатимизга қирмайдми” қабилда жавоб олишимиз, оқибатда муаммонинг ечими чўзилиб кетиши

ёки бутунлай ечим топмаслигига олиб келаётгани ҳам бунга аққол мисолдир.

Баъзан жойларда бўлганимизда, фуқаролар туман миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолардан азият чекаётганининг гувоҳи бўламиз. Мисол учун, ноқонуний қиқинди полигонининг пайдо бўлиши бир-икки кун ёки бирон ойда юзгага келиб қолган жараён эмас. Бу тегишли масъул раҳбарларнинг ўз хизмат вазифасига панжа ортидан қараб келганининг мудҳиш оқибатидир. Бундан нафақат одамлар, халқ жабр кўради, ҳатто баъзи муаммолар экотизимдаги табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Издан чиққан тизимдаги муаммо авлодларга ҳам ўтиб боради.

Шу боис ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилаётгани халқимизнинг айна дилидаги гап бўлди. Давлат раҳбарининг топшириғи билан эндиликда Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилади. Улар ҳар куни ишчи аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлайди. Муурожаатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойининг ўзида ҳал қилади. Бунинг учун туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади.

Айтиш жоизки, бу янги тизим аҳоли муаммоларини тезкор ҳал этишда, самарали жамоатчилик назорати олиб боришда бутунлай ўзига хос ёндашув бўлиб, биз, депутатлар, сиёсий партия вакилларига ҳам катта масъулият юклайди. Жойларда депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларга тезкор ечим топиш халқимиз ва сайловчиларни рози қилишда кенг имкониятлар яратаяди.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Бугунги иқлим ўзгаришлари, геосиёсий вазият мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбари бу масалага доимий эътибор қаратмоқда. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш



пайсалга солинадиган жараён эмас. Бу — ҳар бир инсон ҳаётига дахлдор жиддий зарурат. Шуни тeран англаб eтган ва ҳис қилган ҳoлда бу вазифага масъулият билан ёндашмоғимиз шарт. Eтиштирилган ҳар бир ҳосил ҳаётимиз давомийлиғи учун ниҳоятда муҳим.

“**Янги тизим аҳоли муаммоларини тезкор ҳал этишда, самарали жамоатчилик назорати олиб боришда бутунлай ўзига хос ёндашув бўлиб, биз, депутатлар, сиёсий партия вакилларига ҳам катта масъулият юклайди. Жойларда депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларга тезкор ечим топиш халқимиз ва сайловчиларни рози қилишда кенг имкониятлар яратаяди.**”

Қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда ички имкониятларимиздан унумли фойдаланиш ҳар жиҳатдан катта самара беради, мамлакат иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлайди. Шу боис йиғилишда маҳаллаларга сув олиб бориб, мева-сабзавот етиштириш, замонавий агротехнологиялар орқали экспортни кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Ўрмон ва яйловлардан чорвачиликда фойдаланиб, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш, озиқ-овқат инфляциясини жиловлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Дарҳақиқат, ҳудудлардаги ўрганишларимиз давомида шунга амин бўляпмизки, томорқачиликни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Фақат баъзи жойларда суғориш имконияти ёки мўъжазгина иссиқхона ташкил этиш учун сармомиянинг йўқлиги, ҳатто томорқачиликда фойдаланиб, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш, озиқ-овқат инфляциясини жиловлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Мамлакат раҳбари томонидан экология соҳаси бўйича билдирилган эътирозлар жуда ўринли ва

бугунги экологик вазиятнинг айна талаби. Ўзбекистон Экологик партияси “Ишонч телефони” ва депутатларига йил бошидан буён тушган муурожаатларнинг 350 га яқини айнан қурилиш объектлари баҳонасида яшил майдонлар эгаллаб олинаётгани, аҳоли сайр қилиши учун яшил ҳудудлар йўқлиги ҳамда дарaxтларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқдир. Афсуски, партиямиз ва депутатларга тушган бундай муурожаатлар ечимига соҳадаги айрим ташкилот ва мансабдорлар томонидан етарлича эътибор берилмаётгани бор гап. Шунинг учун ҳам мамлакат раҳбарининг бу борадаги эътироз ва танқидлари ҳар то-

раржой қурилишларига берилмаслигини таъминлаш ва яшил зоналарни ҳимоя қилиш эндиликда шунчаки шахарсозлик эмас, балки шу ерда яшаётган ҳар бир фуқаронинг соғлом ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминлаш масаласидир.

Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаол иштироки жуда муҳим саналади. Айна шу масалалар бўйича ҳудудлар кесимида бир ойда камидя битта ўрганиш ишларини олиб бориш ҳамда “депутат сўрови” институтидан фойдаланган ҳoлда жойлардаги яшил ҳудудлар ва экилган дарaxтларнинг ҳолатини доимий назорат қилиб бориш режалаштирилган. Айна вақтда депутатларимиз одамлар сайр қиладиган жойлар, яшиллик ва болалар майдончаларини кўпайтириш масалаларини ҳудудларга чиққан ҳoлда ўрганиш ишларини аллақачон бошлаб юборишди. Ҳар ой якуни бўйича депутат сўровларининг ижро этилиш ҳoлати партиямиз фракцияси мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирокида муҳокама қилиш йўлга қўйилмоқда.

Аҳолининг ўз томорқачидан унумли фойдаланишини рағбатлантириш ҳам партия учун устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Шу боис бу мавзуда аҳоли орасида кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш, амалий семинарлар ва ўқув машғулотлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу каби тарғибот тадбирлари томорқа эгаларини ердан самарали фойдаланиш масаласида ҳаракатга келтирувчи куч вазифасини бажариши зарур. Биз бу борада партия-мизнинг олимлар корпуси, малакали агрономлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, боғдорчилик ва деҳқончилик ишларининг ҳадисини олган миришкорларнинг кўп йиллик тажрибаларига таянамиз.

Фракция фаолиятини тубдан таҳлил қилиш, депутатларнинг жойлардаги ташаббускорлиги ва фаолиятининг нақадар самарали бўлаётганини баҳолаш, шунингдек, қонун ижодкорлигидаги иштирокини янада кучайтириш масалалари бўйича мувофиқ ёндашув шакллантирилди.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.

Муносабат

ИМКОНИЯТ ЯРАТИШ — СТРАТЕГИК ВАЗИФА

Ёшлар мамлакат тараққиётининг энг катта ва муҳим ресурси ҳисобланади. Йигит-қизлар илм олиши, ҳунар эгаллаши, спорт билан шугулланиши, қўйингки, ўзини ҳар томонлама ривожлантириши учун шароит ва имконият яратиш стратегик вазифадир.



Ёшлар кунда ўтказилган учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бу борада янги ташаббуслар, қатъий вазифалар қўйилгани бежиз эмас. Миллионлаб ёшларимизни руҳлантириш, қўллаб-қувватлаш, илм-маърифатга, касб-ҳунар ва фаол меҳнатга рағбатлантириш давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари зиммасига бирдек жиддий масъулият юклайди.

Иқтисодиётимизнинг янада тез суръатлар билан ўсиб, имкониятларимиз кенгайишида ёшларнинг ҳиссаси, аҳамияти ортиб бориши муҳим. Бунинг учун, аввало, ҳудудларда ва соҳаларда ёшлар билан тизимли мулоқот қилиш, уларни тушуниш, тинглаш, тақлиф-ташаббусларига йўл очиб бериш керак. Учрашувда мазкур йўналишда иккита масалага эътибор қаратилди.

Биринчидан, вилоят, туман ҳокимлари ҳар бир болага ўз фарзандидек қараб, соғлиғи, ўқиши, юриш-туриши, қизиқиш ва орзулари, муаммоларидан доим хабардор бўлиши заруриликни кўрсатиб ўтилди.

Ёшларга таъсир ўтказиши мумкин бўлган ахборотлар, турли воқеа-ҳодисалар кўпайган замонда улар билан яқин мулоқот қилишнинг аҳамияти катта. Буни оиламиз, фарзанд ва набираларимиз мисолида ҳар биримиз яхши англаймиз, албатта.

Ёшлар билан доимий мулоқот платформаси йўлга қўйилиши, мактаб, олийгоҳ, ўқув ва касб марказлари, тадбиркорларнинг бошини қовуштириб, ёшларга қўмаклашадиган тизим қилиниши натижалар яхшиланishiга, ҳудудларда ижтимоий муҳит изчиллашиши-

га, асосийси, йигит-қизларда қатъият ва фаоллик кучайишига замин бўлади.

Бунинг яна бир муҳим жиҳати, жамиятимизда қандай оилада, қандай ижтимоий вазиятда бўлишига қарамай, йигит-қизларни тинглаш, уларга тенг имкониятлар яратиш, бир хил кўз билан қараш кўникмаси ривожланади. Халқ демократик партияси учун ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигига эришиш ўта муҳим масала ҳисобланади.

Иккинчидан, ёшларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши, доимий мулоқотда бўлиши, янги имкониятлар сари биргаликда интилиши долзарб масала. 9 миңдан зиёд маҳаллаларда ёшлар етакчилири тайинлангани бу борада зарур ижтимоий институт ва-зифасини бажармоқда.

Аммо тан олиш керак, бу институтни янада ривожлантириш, қамровини кенгайтириш, аниққас, ҳаётга, ёшларнинг қундалиқ турмушига яқинлигини ошириш зарурати ҳам бор. Уларнинг мактаб, техникум, тил ва касб марказлари билан ҳам ишлаши реал яқинлик ҳамда ўзаро боғлиқлиқни оширади.

Дунёнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий муҳити барча соҳада ме-зонлар ўзгараётгани, талаб ва рақобат ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Ёшларимиз ана шу мезонларга мос илм олиши, ҳунар ўрганиши, самарали меҳнат қилиб, натижаларга эришишига қўмаклашиш давлатнинг, ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Уллубек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ДОИМО ЭЪТИБОР МАРКАЗИДАГИ МАСАЛА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан учрашувлари доимо келажагимиз эгалари ҳаётида туб бурилишлар ясашга қодир бўлган янгиликлар, тақлиф ва ташаббуслар, инновацион лойиҳалар эълон қилиниши билан муҳим аҳамият касб этиши анъанага айланган. Шу боис бундай учрашувлар нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари томонидан ҳам катта муваффақият ва имкониятлар қалити сифатида қабул қилинади.



Бу сафар ҳам шундай бўлди. 30 июнь — Ёшлар кунини муносабати билан Президентимизнинг ёшлар билан навбатдаги учрашувидя бир гуруҳ йигит-қизларга давлат мукофотлари топширилди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ташаббуслар илгари сурилди, мамлакатимизнинг эртанги кунини белгилувчи го-я ва ечимлар тақдим этилди. Ёшларнинг инновация, “яшил” иқтисодиёт, креатив саноат, тадбиркорлик ва IT соҳаларидаги илғор ишлан-малари ва йўналишлари билан танишилди.

Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсатига энг устувор масала сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Юртимиз ҳақиқий маънода ёшлар мамла-кати — аҳолининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Шу жиҳатдан ёшлар — Ўзбекистоннинг энг катта бойлиғи, бебаҳо ха-зинаси, жамиятимизни ҳаракатлантирувчи катта куч, ислохотларимиз драйвери. Бугун юртимиз-да қандай ўзгаришларга қўл урилмасин, аввало, ёшларнинг куч-ғайрати, азму шижоати, закова-тига таяниялпти.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда сўнгги етти-саккиз йил ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда “кат-та сакраш даври” бўлди. Бунинг исботини ўтган йилларда ёшларга оид 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганида ҳам кўриш мумкин. Ёшларга ҳар соҳада берилмаётган имти-ёз ва имкониятларнинг эса чек-чегараси йўқ ва бу халқро ҳамжамяят томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Мана исботи: Ўзбекистон БМТ “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига кирди. Ёшлар тараққиёт индек-сида мамлакатимиз ёшлар сиёсати соҳасида энг

тез суръатлар билан ривожланаётган давлат деб топилди. Бухоро шаҳри — Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент шаҳри эса Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиғи ёшлари пойтахти макомини олди. Шу кунларда юртимизда ўтказилаётган Глобал ёшлар фестивалида 30 дан ортиқ давлатлардан келган 300 дан кўп ёшлар, 10 дан зиёд нуфузли халқро ташкилотлар вакиллари катнашмоқда.

Ҳеч кимга сир эмас, аксарият ривожланган давлатларда аҳоли, яъни ёшлар сонини камайиб борапти ва бу ўзига яраша иқтисодий-ижтимоий муаммоларни пайдо қиляпти. Ана шундай бир шароитда Ўзбекистон меҳнатга лаёқатли аҳоли-нинг қўплиғи нуқтаи назаридан нуфузли давлат-га айланаётгани эътиборга молик. Мамлакатим-из аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, жамиятнинг яримдан кўпини ёшлар таш-кил қилиши кутилмоқда. Албатта, бу барчамизга ўзига яраша катта масъулият ҳам юклайди. Яъни ёшларнинг таълим-тарбия олиши, умуман, ҳар жиҳатдан барқамол бўлиб вояга етиши фақат давлатнинг эмас, ҳар биримизнинг энг асосий вазифамизга айланмоғи лозим.

Зеро, ҳар қандай давлатнинг тарихий тарақ-қиёти, жадал ривожланиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша мамлакатда ёшларга берилмаётган эътиборда кўринади. Демак, биз, депутатлар-нинг ҳам ёшларга оид қонунчилиқни янада та-комиллаштириш, замон талабларига мослаш, энг асосийси, бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳуж-жатларнинг ижросини таъминлаш доимо эъти-бор марказимизда бўлади.

Гўзал САМИЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзоси.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



Бугундан бошлаб қонунчилигимизга кўра:

■ Пенсия ва нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари **10 фоизга** оширилади.

■ Янги ташкил этиладиган таълим таш-килотлари фаолияти **2 босқичда** йўлга қўйилади:

● 1-босқичда фаолиятни бошлаш учун ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълим-дан кейинги таълим ташкилотлари ўрнатил-ган тартибда лицензияланади, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим ташкилотларини хабардор қилиш тартибда ташкил этилади;

● 2-босқичда таълим ташкилотларининг кадрлар тайёрлаш йўлга қўйиладиган таъ-лим дастурлари махсус давлат аккреди-тациясидан ўтказилади.

■ Жонли ижрода ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари бўйича рекла-маларни Ўзбекистон МТРК тизимидаги те-лерадиоканалларда эфирга бериш учун тад-бир ташкилотчисига **30 фоиз** миқдорда чегирма берилади. Шунингдек, ҳар чорак-да республиканинг барча ҳудудида **“Жон-ли ижро ҳафталиғи”** ўтказилади.

■ “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ҳамда “Камбағал оилалар реестри”га ки-ритилган шахсларга белгиланган товар-лар (хизматлар)ни харид қилишда тўлан-ган **ҚҚС суммаси 1 иш кунда** қайта-рилади.

■ Аҳоли уй-жойларининг энергия ауди-тини ўтказиш харажатлари ҳамда куёш па-неллари ва гелиоколлекторлар қийматининг **20 фоизи** ва иссиқлик насослари қийма-тининг **40 фоизини** қоплаш учун Энергия самарадорлиғи миллий агентлиғи томони-дан субсидия ажратилади. Бироқ ушбу миқ-дорлар БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган қийматда қопланади.

■ 2028 йил 1 январгача **“Биринчи им-коният” тамойили** жорий этилади. Бунда биринчи фаолият йили давомида савдо ва тадбиркорлик соҳаларига оид маъмурий ҳуқуқбузарлиқни илк бор содир этган кичик тадбиркорлик субъектлари маъмурий жа-вобгарликдан озод этилади.

■ Фуқароларга давлат пенсиялари ва компенсацияларни тайинлашнинг содда-лаштирилган тартиби жорий этилади.

Бунда фуқароларга I ёки II гуруҳ ноғи-ронлиғи белгиланганда пенсиялар алоҳида муурожаат талаб этмасдан проактив шаклда тайинланади. Шунингдек, фуқарога проак-тив шаклда тайинланган пенсияларни рад қилиш ҳуқуқи берилади.

■ “Экофаол фуқаро” платформасига ўзи эккан дарaxт тўғрисида маълумот-лар киритган камбағал оилалар аъзола-рига ўрмон фонди ерларида экилган ҳар **100 та дарaxт учун** БҲМнинг 1 барава-ри миқдорда субсидия ажратилади. Бун-да субсидия йил давомида иккига бўлиб (кўчатлар экилган вақтда ҳамда уларни парваришлаш давридан кейин) тенг улуш-ларда тўланади.

■ 2028 йил 1 январгача кичик ва ўрта бизнес субъектлари зиммасига янги маж-буриятлар юклатадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мораторий эълон қилинади.

Манба: «Huquqlq axborot» расмий телеграм саҳифаси.

Шу йил 1 сентябрдан ЯТТларга заргарлик буюмларини сотиш фаолияти билан шугулланишга рухсат этилади.

Рақамли дунёда Ўзбекистон: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Ўзбекистонда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши мамлакат истиқболи учун янги имкониятлар эшигини очди. Ҳукумат томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган савий-ҳаракатлар, шубҳасиз, ижобий натижаларни бермоқда. Айниқса, ахборот технологиялари ҳар бир жабҳага кириб борапти. Бу соҳа ривожлана, бошқа соҳалар ҳам илгарилайди, одамларга қулайлиқлар ошади. Шу боис сўнгги йилларда инфратузилмани

НУҚТАИ НАЗАР

Иқтисодиётнинг янги тизими

Очиги, ислохотлар муваффақиятини таъминловчи муҳим йўналишлардан бири иқтисодиётни рақамлаштиришдир. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси йиллардаги энг устувор вазифалар сирасига киритилган. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни қисқартиради, коррупциянинг олдини олади.

Мутахассисларнинг таъкидлашча, рақамли иқтисодиёт нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлар яратиш, уларни қўндалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга қўчириш, дегандир.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётни асосий драйвер соҳага айлантириб, ҳажмини камида 2,5 баравар ошириш ва экспортни 500 млн. долларга етказиш мақсади белгиланган. Бу борада амалга оширилётган ишлар қўламини кенг. Уларнинг асосий жиҳатлари одамларнинг оғирини енгил қилиш, рақамли қулайлиқларни соддалаштириш, энг замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган.

Чунончи, тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун, аввало, илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳақда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юқалишнинг энг қисқа йўлидан бориш керак. Негаки, биз географик жойлашувимизга кўра қуруқлик орқали йирик сув ҳавзаларидаги портларга чиқишимиз учун камида икки давлат чегарасидан ўтишимизга тўғри келади. Бу вақт нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам жаҳон бозоридаги ўрнимизга салбий таъсир қилиши бор гап. Бунинг ечими ақл-заковат, янги инновациялар ва малакали кадрлар салоҳияти билан бевосита боғлиқ.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилишга устуворлик берилапти. Жумладан, соғлиқни сақлаш, қандастр, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ ҳўжалиги, таълим йўналишларини рақамлаштириш бўйича амалий жараёнлар бошланди ва бу ижобий самара бермоқда. Хусусан, аҳоли масканларини мобил интернет билан қамраб олиш даражаси 2017 йилда 30 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 96-97 фоизни ташкил этмоқда.

Тизимли ёндашув — самарадорлик омили

Рақамлаштиришнинг кундалик ҳаётимизда доимий ўрин эгаллаш учун тизимли ёндашув лозим. Ўн йилдан ошдики, электрон ҳукумат тизимини ривожлантиришга интилиб келамиз. Самаралар эса фақатгина сўнгги йилларда кўзга ташлана бошлади. Биргина банк пластик картаси мисолида олайлик. Илгарилари банк карталарида маблағ бўлса-да, ундаги пулни сарф қилиш ёки нақдлаштириш имконияти жуда янгилик ҳолатда эди. Энди эса банк мижозлари онлайн харидларни амалга ошириш, мобил қурилмалар ёрдамида пул маблағларини эркин ўтказиш имкониятига эга. Табиийки, мазкур ҳолатларнинг ижобий ҳаёлаш, эътироф этиш мумкин. Чунки рақамлаштиришга

яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича кўп ишлар қилинди. Хизматлар сифати ва қўламини сезиларли ошди. Рақамли инфратузилма сезиларли кенгайди.

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Мобил алоқа ва интернет тармоқларининг қамрови кенгайиб, аҳолининг рақамли хизматлардан фойдаланиш имконияти ошмоқда. Ҳукумат томонидан “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида рақамли инфратузилмани янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилаётгани бунга имкон бераётганини таъкидлаш лозим.

риш бор. Ўтган йили тушумлар 1,4 баробар, экспорт 20 фоиз ошган. Янги турдаги хизматлар жорий қилингани натижасида жўнатмалар сони 50 фоиз кўпайган.

Мамлакатимиз минтақавий «IT-HUB»га айланади

Соҳа учун муҳим асос — телекоммуникациялар тўғрисидаги қўнун янги таҳрирда қабул қилинди. Энди бунга таяниб, барча тармоқ ва ҳудудлар кесимида рақамлаштириш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқишли белгиланди. Жумладан, 2025 йилда 6 мингта янги таянч станция қурилади. 30 минг километр оптик толали кабеллар тортилиб, қамрови 98 фоиз бўлади. Соҳа экспортини 1,2 млрд. долларга етказиш чоралари қўрилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган Рақамли технологиялар халқаро маркази ҳақидаги қўнун ишлаб чиқишли соҳа ривожини учун яна бир катта янгилик бўлади. “Enterprise Uzbekistan” номли ушбу марказда “инглиз ҳўқуқи” тасмийлаштирилган, капиталнинг эркин ҳаракати, халқаро стандартдаги меҳнат муносабатлари, хорижий банк филиаллари йўлга қўйилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий “IT-HUB”га айлантириш вазифаси белгиланган. Шу мақсад йўлида рақамли технологиялар босқичма-босқич ривожлантириб келинмоқда. Барча ҳудудларда IT-парклар ташкил этилиб, бу соҳада ўқш ва ишлаш учун имконият кенгайди. Интернет тизими ва қамрови ошди. 190 мингдан зиёд аҳоли ишли бўлди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлигини таъминлайдиган эркин келажақни қўзлар эканмиз, сўнуй интеллектни жорий қилиш учун зарур шароитларни яратиш, шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб ва устувор вазифасидир. Шу билан бирга, электрон ҳўкумат хизматларининг ривожлантирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш аҳоли учун қулайлик яратиб, бюрократик тўсиқларни камайтиришга хизмат қилади. “Электрон ҳўкумат” портали орқали қўнун тўловларни тўлаш, ҳўужжатларни расмийлаштириш ва бошқа қўнун хизматлардан фойдаланиш мумкин.

IT соҳаси қўнунлаб-қувватланаётгани ҳам бежиз эмас. Ҳўкумат бу соҳани ривожлантириш учун қўнун шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилмоқда. IT-парклар ташкил этилиб, ёш мутахассисларни қўнунлаб-қувватлаш дастурлари амалга оширилмоқда. Бу эса соҳада янги иш ўринларининг яратилиши ва экспорт салоҳияти ошишига хизмат қилади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий “IT-HUB”га айлантириш вазифаси белгиланган. Шу мақсад йўлида рақамли технологиялар босқичма-босқич ривожлантириб келинмоқда. Барча ҳудудларда IT-парклар ташкил этилиб, бу соҳада ўқш ва ишлаш учун имконият кенгайди. Интернет тизими ва қамрови ошди. 190 мингдан зиёд аҳоли ишли бўлди.

Сўнгги йилларда соҳада 3 млрд. доллар инвестициялар ўзлаштирилгани эътиборга молик. Хорижий капитал иштирокидаги қўнунлар сони 2017 йилдагига нисбатан 8,5 баробар ўсиб, уларнинг сони мингтадан ошган. Шунингдек, етти

йил аввал 12 та экспортчи қўнун фаолият юритган бўлса, 2024 йилга келиб, уларнинг сони 650 тани ташкил этди. Табиийки, бугун IT-паркларда минглаб ёшлар ишлаётгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқиб чиққан йигит-қизлар соҳа келажағи учун мустаҳкам пойдевор яратаяётгани барчамизни мамнўн этади.

Рақамлаштириш ҳақида гап кетганда, электрон тижоратнинг ўсаётгани мавзўга ҳам тўхталиш жоиз. Интернет орқали харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш оммалашиб бораётгани, маҳаллий онлайн дўқонлар ва маркетплейсларнинг сони ортиб, истеъмолчилар учун кенг танлов имконияти яратилаётгани, электрон тижорат соҳасини қўнунлаб-қувватлаш учун қўнунчилик базаси такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда соҳа ривожини тобора юқалиб бораётганини намойиш этади. Қўлаверса, рақамли таълим ҳам ривож топиб борапти. Онлайн таълим платформалари ва электрон дарсликларнинг жорий этилиши таълим сифатини оширишга ёрдам бермоқда. Айниқса, пандемия даврида рақамли таълимнинг аҳамияти янада ошди.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, рақамлаштириш соҳасидаги изланиш ва интилишларни давом эттириш зарур. У бизнинг нуфузли давлатлар сафидан ўрин олишимиз кафолатидир.

Рақамлаштириш истиқболлари

Рақамлаштиришда АҚШнинг юқсак натижаларга эришяётгани сабабларидан бири мамлакатда IT индустрияси ривожланганидир. АКТ бўйича жаҳоннинг етакчи компаниялари ушбу мамлакатда жой-

хизматларини рақамлаштириш аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратишга хизмат қилмоқда. Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали 300 дан ортиқ электрон хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу эса давлат органларига мурожаат қилиш вақтини қисқартириб, бюрократик тўсиқларни бартараф этишга ёрдам бермоқда. Давлат бошқарувида электрон ҳўужжат айланиши тизимининг жорий этилиши қўғозбозлиқни камайтириб, бошқарув жараёнларининг тезкорлигини оширди.

Қишлоқ ҳўжалиғи, саноат, транспорт ва логистика, банк-молия тизими каби иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтиришга хизмат қилмоқда. Электрон тижоратнинг ривожланиши маҳаллий тадбиркорларга янги бозорларга чиқиш ва экспорт салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Рақамли технологиялар асосида янги бизнес моделларни яратиш, стартап лойиҳаларни қўнунлаб-қувватлаш иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига туртки бўлмоқда. Телетибиёт хизматлари қишлоқ ва чекка ҳудудлардаги аҳолига малакали тиббий ёрдам қўрсатиш имконини бераётган бўлса, маданий мерос объектиларини рақамлаштириш ва виртуал турларни ташкил этиш туризм соҳаси ривожига хизмат қилмоқда. Аҳолининг интернетдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш учун оптик толали алоқа линиялари қўнун, мобил алоқа тармоқларини такомиллаштириш ва Wi-Fi зоналарини ташкил қилиш бўйича ишлар давом эттириляпти. Рақамли технологиялар соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртилари ва касб-ҳўнар коллежларида IT мутахассисликлари бўйича таълим сифатини оширишга эътибор қаратиляпти.

Рақамлаштириш жараёнида рақамли тенгсизлик, киберхавфсизлик, рақамли саводхонлиқнинг пастлиғи каби муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш учун зарур ва тегишли чораларни қўнун мақсадга мувофиқ, албатта. Хусусан, рақамли инфратузилмани чекка ҳудудларда ривожлантириш, аҳолининг интернетдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, аҳолининг рақамли технологиялардан тўғри ва самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, IT соҳасида янги технологияларни, инновацияларни яратиш ва жорий этиш, илмий тадқиқотларни қўнунлаб-қувватлаш, стартап лойиҳаларни молиялаштириш ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш энг муҳим вазифалардан саналади.

Рақамли иқтисодиёт нафақат вақтни тежаш, ишлаб чиқариш унумдорлиғи ва натижавийлиқни ошириш воситаси, қўлаверса, ҳуфиёна иқтисодиёт, маъмурий бўйрўқбозлик даражасини пастайтириш имконияти, бозор дастаклари ишлаб кетишининг гарови ҳамдир.

Шунингдек, ЯИМда рақамли иқтисодиёт улушини, унга киритиладиган инвестициялар ҳажминини ошириш, электрон савдонинг ривожлантириш ҳам давр талабларидан бири. Ва нихоят, рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратишда давлатнинг ўрни ва роли ошиб бориши лозим. Чунки бундай улкан лойиҳани бир неча компания билан амалга ошириб бўлмайди. Уни фақат давлатнинг етакчилигида, қўнун тадбиркорлик ва инновацион ёндашув орқали ҳўуссий бизнес, жумладан, чет эл инвестицияларининг қўнун ва имкониятларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин. Бунда давлат ва ҳўуссий шериклик таъмоилининг аҳамияти катта.

Ўзбекистон рақамли дунёга интеграциялашув йўлида сезиларли ютуқларга эришди. Айни чоғда ҳали соҳада ечимини қўтаётган муаммолар ҳам мавжуд. Рақамли тенгсизлиқни камайтириш, киберхавфсизлиқни таъминлаш, рақамли саводхонлиқни ошириш, қўнунчилик базасини такомиллаштириш ва инновацияларни рағбатлантириш орқали Ўзбекистон рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириши мумкин. Мўҳими, бу йўлда дадил қадамлар ташланмоқда.

Бахтиёр МАҲКАМОВ, Мўҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Спорт

«Шунқорлар — 2025»:

БУ САФАР ГОЛИБЛИК КИМГА НАСИБ ЭТДИ?

26 — 28 июнь кўнлари “Ёшлар ойлиғи” доирасида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раиси кубоғи учун “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларининг республика босқичи ўтказилди.



Мазкур ўйинларни уюштиришдан асосий мақсад ёшларни Ватанга садоқат ва юқсак ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақириққа қадар ёшларнинг Қўролли Қўнлар сафида хизмат қилишга қизиқишини ошириб бориш ҳамда уларни руҳан ва жисмонан чиникитиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти матбуот хизмати хабарига кўра, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-мўҳандислик билим юртида ташкил этилган “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларининг финал босқичида Қўрақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларидан 14 та жамоа ўрта блоқдан иборат синовлардан ўтказилди.

Хусусан, “Ҳарбий-ватанпарварлик блоки”да жамоа аъзоларининг Ўзбекистон тарихига доир билимлари синовдан ўтди. Шунингдек, “Саф қўшиғи” ва “Биз — бир жамоамиз!” кўрик-танловлари ўтказилди. “Ҳарбий-амалий кўпкураш блоки”да жамоалар пневматик қўролдан ўқ отиш, ўқув гранатасини узоклиққа улоқтириш ва ҳарбийлаштирилган эстафета бўйича беллашди. Ҳарбийлаштирилган эстафета доирасида ёшлар “АК-74” авто-

матини қисмларга ажратиш ва тўлиқ йиғиш ҳамда газга қарши никобини кийиб, белгиланган масофага югуриш шартларини бажарди. “Спорт блоки”да дуатлон, 100 метр масофага югуриш ва турникда тортилиш бўйича ўзаро куч синашди.

Дўстона ва муросасиз кенган “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларининг республика босқичида Андижон вилояти жамоаси голиб чиқиб, “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши раисининг кубоғини қўлга киритди. Беллашувлар якунида Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Самарқанд вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Ёшларга ўтамиз, сўнгги уч йилдан бўён Хоразм вилояти жамоаси ушбу мусобақада кетма-кет голибликка эришиб келаятгани.

Яқунда голиблик ва фахрли ўринларни қўлга киритган жамоалар аъзолари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, уч кун давомида спорт мусобақаларида белгиланган натижаларни қўлга киритиб, Ягона спорт таснифининг меъёрий талабларини бажарган 6 нафар йигит ва қиз учинчи даражали спорт разрядига эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Экстремал туризм

Ургутда ҳаво шарлари фестивали

Бетакдор табияти билан машҳур Ургут туманидаги Баҳрин маҳалласида илк бор ҳаво шарлари фестивали ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш ва ҳудуднинг жозибадор сайёҳлик маскани сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш, экстремал туризм турларини оммалаштиришдир.



Сайёҳлару маҳаллий аҳолига кўтаринки руҳ ва ўзгача кайфият бағишлаган фестивалда 25 та ранг-баранг ҳаво шарини осмонга кўтарилди. Бу манзара юртимизнинг тинчлиғи, меҳмондўстлиғи ва замонавий тараққиёт сари интилишини ифодаляпти.

— Ҳаво шарлари фестивалига оиламиз билан келдик, — дейди ургутлик Ҳасан Янгитов. — Авваллари йирик-йирик шаҳарлар ёки чет давлатларда учирилган ҳаво шарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали кўп томоша қилганмиз. Аммо буни ўз кўзинг билан кўришинг гаши бошқача экан. Қаранг, минглаб томошабинлар бир олам таассурот олмақда, айниқса, фарзандларимнинг қўнчин кексиди. Бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Икки кун давом этган фестиваль доирасида ҳаво шарлари шоуси, концерт дастури, гастрономик кўрғазма, турли мусобақа ва миллий ўйинлар уюштирилди.

Абдулазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»).

Ҳиндистонда Ўзбекистоннинг инвестициявий ва савдо-иқтисодий салоҳияти тақдим этилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош мўҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 779 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: 71-259-74-51; 71-259-74-53; 71-259-74-87.



Тажриятга келган қўзғалмаз тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Қаримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи мўҳаррир — Р. Бобоқонов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қўрхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6